

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**СУБҲОНОВ ШАҲЗОД МЭЛС ЎҒЛИНИНГ**

**ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ВА ИДОРАВИЙ НАЗОРАТ ФАОЛИЯТИ  
БЎЙИЧА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ**

**5A240122 – ПРОКУРОРЛИК ФАОЛИЯТИ**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:** Бош прокуратура  
Академияси доценти, адлия кичик  
маслаҳатчиси Н.А.Азизов

**Тошкент – 2021**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ</b> .....	10
1.1. Янги инновацион ёндашувлар – прокурор назорати самарадорлигининг муҳим омили.....	10
1.2. Прокурор назорати самарадорлигини баҳолашга инновацион ёндашувларни жорий этиш .....	15
1.3. Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишни рақамлаштиришнинг аҳамияти ва зарурияти.....	22
<b>2-БОБ. ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ЙЎНАЛИШИДА “ХАВФНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ” ВА “ХАВФНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМ”ЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ</b> .....	33
2.1. Прокурор назорати фаолиятига “хавфни таҳлил қилиш” ва “хавфни бошқариш тизим”ларини жорий этиш масалалари .....	33
2.2. Прокурор назорати йўналишида “хавфни таҳлил этиш” тизими индикаторлари: умумтаълим мактаблари фаолиятида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат йўналиши мисолида.....	42
<b>3-БОБ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ВА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРНИНГ НАЗОРАТИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР</b> .....	47
3.1. Идоравий назорат ва прокурор назоратининг ҳамкорлигини ташкил этиш масалалари .....	47
3.2. Идоравий назоратни такомиллаштириш прокурор назорати самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида .....	60
<b>ХУЛОСА</b> .....	72
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b> .....	85

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг асосланганлиги ва долзарблиги.** Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг (бундан буён матнда прокуратура органлари деб юритилади) асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат, деб белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда қонунийликни, жамият ва давлат ҳаётининг ҳар жабҳасида қонун устуворлигини таъминлаш эса прокуратура органларининг провард мақсади ҳисобланади.

Шу сабабли, бугунги инновацион ёндашувлар ва технологиялар жадал ривожланаётган даврда прокуратура органларини ҳам зомонавийлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати йўналишига янгича ёндашувларни жорий этиш, жумладан, фаолиятни янада рақамлаштириш, самарадорлигини баҳолашнинг янгича механизмларини жорий этиш, қонунбузилиши ҳолатларини аниқлаш ва таҳлил қилишнинг илғор усулларида фойдаланиш, шунингдек, прокуратура ва идоравий назорат органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш прокурор назорати самарадорлигига эришишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасида жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларига инновацион ёндашувларни жорий этиш, янгилик муҳитини олиб кириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномасида “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан

эриша оламиз”, деб таъкидлаган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 3 декабр куни илм-фан ва инновацияни ривожлантириш борасида олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, тармоқ ва ҳудудлар олдидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишида *“Бир нарсани билишимиз керак: илмсиз, инновациясиз олдимизга қўйган мақсадларга ҳеч қачон эриша олмаймиз. Ҳисобот учун эмас, натижа учун ишлаш керак”*, деб таъкидлаган эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да 4.4 бандида *“...инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”* вазифаси қўйилган эди.

Бугунги кунда инновацион ёндашувларни нафақат иқтисодий соҳаларга, балки ижтимоий-ҳуқуқий соҳаларга, жумладан, прокуратура органлари фаолиятига ҳам жорий этиш сифат самарадорлигини оширади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5 декабрдаги “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 172-сонли буйруғида ҳам фаолият самарадорлигинининг мунтазам таҳлили асосида ташкилий бошқарув усулларини янада такомиллаштириб бориш фаолиятга ишларни ташкиллаштиришнинг замонавий ва илғор усулларини, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни жорий қилиш асосий вазифа эканлиги белгиланган.

Прокурор назорати ва идоравий назорат фаолиятини амалга оширишда бир қатор муаммолар, жумладан:

биринчидан, прокурор ва идоравий назорат фаолиятининг самарадорлигини аниқлашнинг мавжуд механизмлари ва методлари такомиллаштириш;

иккинчидан, фаолиятнинг тўлик рақамлаштириш, жумладан, идоралараро тезкор ахборот алмашинувининг етарли даражада ташкил этиш; учинчидан, қонунбузилишларини аниқлашнинг ва назорат текширувларини ўтказишнинг замонавий механизмлари ва асослари жорий этиш;

тўртинчидан, прокуратура ва идоравий назорат органлари ўртасида ҳамкорликнинг қонуний ҳамда ташкилиш-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, фаолиятга илғор инновацион ёндашувларни жорий этиш зарурияти мавжуд бўлиб, мазкур соҳани чуқур тадқиқ қилиб, тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақазо этади.

**Тадқиқот ишининг мақсади.** Илмий тадқиқотнинг асосий мақсади прокурор назорати ва идоравий назорат фаолиятига инновацион ёндашувларни жорий этиш истиқболларини ва имкониятлари таҳлил қилиш, инновацион ёндашувларни жорий этишдаги бир қатор муаммолар ва бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб чиқиб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

биринчидан, прокуратура органлари томонидан қонунчилик ижроси устидан назоратнинг бугунги аҳволи, шунингдек, прокурор назорати самарадорлигини баҳолашнинг мавжуд механизмларини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;

иккинчидан, прокурор назорати фаолиятини рақамлаштиришнинг бугунги ҳолатини ўрганиб чиқиб, истиқболда назорат фаолиятини янада рақамлаштириш бўйича таклифлар бериш;

учинчидан, прокурор назорати ва идоравий назорат фаолиятига хавфни таҳлил қилиш ва хавфни бошқариш тизимларини жорий этиш истиқболларини ўрганиб чиқиб, тегишли қонунчиликка таклифлар тайёрлаш;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасида вазирлик ва идоралар томонидан амалга ошириладиган идоравий назорат шакллари, йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари ўрганиш ва тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда

бартараф қилиш юзасидан таклифлар бериш;

бешинчидан, хорижий мамлакатлар прокуратура органларида кўлланилаган прокурор назорати самарадорлиги баҳолаш меъзонларни, назорат фаолиятини рақамлаштириш борасида амалга оширилган ислохотлар, қонунбузилишлари хавфини аниқлашнинг янги механизмларини ва бошқа инновацион ёндашувларни ўрганиш, мазкур ёндашувларнинг ижобий жиҳатларини прокурор назорати ва идоравий назорат фаолиятига тадбиқ қилиш масалалари кўриб чиқилади.

**Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси** шундан иборатки, тадқиқот давомида:

- прокурор назорати соҳасида Б.Пўлатов, Э.Ҳожиев, Т.Ҳожиев, В.Б.Андреев, О.А.Инсаров, А.Ю.Усов, К.Ф.Скворцов, А.А.Попов;

- давлат назорати соҳасида А.А.Раҳимов, З.С.Мухитдинов, Д.Миразов, А.Баратов, Е.И.Добролюбова, С.В.Ларин;

- давлат бошқаруви ва прокурор назорати фаолиятини рақамлаштириш соҳасида Ш.Зокиров, Қ.С.Раҳманов, А.Д.Ершов, О.В.Завьялова, В.Г.Халин, Г.В.Чернова, Н.М.Джурабеков, Э.Ж.Сокурова, А.А.Попов;

- назорат фаолиятига хавфни таҳлил қилиш тизимини жорий этиш ва фойдаланиш соҳасида Е.А.Гусихина, Х.Б.Рузметов, Г.М.Галиева, А.А.Бухмастов, А.Д.Ершов, О.В.Завьялова;

- прокуратура ва идоравий назорат органлари ўртасидаги муносабатлар соҳасида А.Ю.Усов, В.З.Гущин, А.Ю.Кравцов, Т.Н.Селезнева, Н.С.Каштанова, И.Б.Шегебаев;

- инновацион ривожланиш соҳасида Ш.И.Отажонов, Й.Шумпетер Н.С. Barnett, Р. Whitfield, Seth C. Lewisлар илмий изланиш олиб борган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** шундан иборатки, диссертация ишида бир қатор хорижий мамлакатлар ҳамда миллий амалиётимизда мавжуд прокурор ҳамда идоравий назорат фаолиятига доир инновацион ёндашувлар ўрганиб чиқилган. Жумладан:

назарий атамалар сифатида “инновация”, “самарадорлик”,

“самарадорликни баҳолаш”, “хавф”, “қонунчилик ижроси устидан прокурор назорат соҳасидаги хавф”, “аниқланган хавф”, “потенциал хавф”, “прокурор назорати соҳасида хавфни таҳлил қилиш”, “прокурор назорати соҳасида хавфни бошқариш”, “назорат объектларини сегментлаш”, “қонунбузилиши хавфини баҳолаш индикаторлари”, “идоравий назорат”, “мажбурий талаб”, “контрол”, “назорат”, “ҳамкорлик”, “прокурор назорати ва идоравий назорат ўртасидаги ҳамкорлик” тушунчалари таҳлил қилиниб, уларга юридик таърифлар берилган;

прокурор назорати самарадорлигини баҳолашнинг самарали механизми сифатида самарадорликни баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичлари – **КРІ** ни жорий этиш масалалари таҳлил қилинган;

прокуратура органларини рақамлаштириш борасида “**Рақамли прокуратура-2030**”, “рақамли прокурор назорати”, “рақамли бошқарма”, “рақамли алоқа тугуни”, “ҳимояланган ҳужжат айланиш тизими”, “рақамли архив”, “рақамли иш юритиш” модуллари концепцияларини ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилиниб, тегишлича амалий таклифлар берилган.

Шуниндек:

қонунбузилишларини аниқлашнинг янгича механизми сифатида **хавфни таҳлил қилиш тизими** ўрганиб чиқилиб, амалиётга жорий этиш масалалари;

идоравий назорат фаолиятига **таҳлика-таҳлил** тизимини жорий этиш орқали қонунбузилишларини тезкорлик билан аниқлаш, шунингдек, фаолиятга илғор ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш масалалари;

прокуратура ва идоравий назорат органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш ва мавжуд механизмларни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилиниб, миллий қонунчиликка таклифлар берилган.

Бундан ташқари, давлат назорати фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва ушбу фаолият мустақиллигини таъминлаш, давлат назоратининг асосий принциплари, муддатлари, назорат остидаги

субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, идоравий назорат органлари субъектларининг ваколатлари ва мажбуриятларини, уларнинг жавобгарлиги, шунингдек, давлат назорати органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби ва мезонларини ўз ичига олган алоҳида қонун қабул қилиш юзасидан таклифлар берилган.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, биринчидан, прокуратура органларидаги қонунлар ижроси устидан назорат институти: назорат самарадорлиги баҳолаш, қонунбузилиши ҳолатларини аниқлаш, фаолиятни рақамлаштириш борасидаги мавжуд ёндашувлар;

Иккинчидан, вазирлик ва идоралар томонидан амалга ошириладиган идоравий назорат институти;

Учинчидан, прокурор назорати ва идоравий назорат йўналишда тизимдаги муаммолар ва фаолиятни такомиллаштириш масалалари;

Тўртинчидан, хорижий давлатлардаги самарали инновацион ёндашувларни миллий амалиётга тадбиқ қилиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предметини** қонунлар ижроси устидан назорат, унинг муаммолари ва уларни бартараф этиш масалаларига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий изланиш амалга оширишда билишнинг илмий усуллари - статистик, мантикий-юридик, формал, қиёсий- ҳуқуқий, тизимли таҳлил, сўровнома-тадқиқот ўтказиш усуллари ва бошқа методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса, унда билдирилган таклифлар, хулоса ва тавсиялардан мамлакатимизда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати ва идоравий назоратни амалга оширишига доир



норматив-ҳуқуқий ва ташкилиш-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлиги оширишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, прокурор назорати фани бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва фан дастурларини тайёрлашда ҳам ушбу таклиф ва хулосаларга таяниш ижобий натижа беради.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 7 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 91 бетни ташкил этади.

# **I БОБ. ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ**

## **1.1. Янги инновацион ёндашувлар – прокурор назорати самарадорлигининг муҳим омили**

Жамият ва давлат фаолиятига инновацияларни жорий этиш мамлакат ривожланишига хизмат қилади, жумладан, иқтисодий кўрсаткичлар ортади, ижтимоий аҳвол яхшиланади. Ривожланган мамлакатларда аҳоли турмуш даражасининг ошишида айнан инновациянинг ўрни 70-90 фоизни ташкил этади.

Бугунги кунда, нафақат иқтисодиёт, ишлаб чиқариш соҳаларига, балки ҳуқуқ соҳасига ҳам инновацион ёндашувларни жорий этиш жамият ва давлатнинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эгадир. Янгича ғояларни фаолият соҳаларига жорий этиш орқали юқори сифат самарадорлигига эришиш мумкин.

Шу ўринда “инновация” тушунчасини таҳлил қиладиган бўлсак, “инновация” – инглиз тилидан, “янгилик”, “киритилган ихтиро” деган маънони англатади. Ҳозирги кунда “инновация” тушунчаси “электронлаштириш”, “сунъий интеллект”, “ноу-хоу” сингари глобал атамалар билан биргаликда қўлланилмоқда. Инновация, биринчидан, техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; иккинчидан, илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланилиши<sup>1</sup>.

Инновация тушунчаси фанга 1930 йилда австралиялик олим Й.Шумпетер томонидан киритилган бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, етказиш жараёнларида янги ёки такомиллаштирилган техник, технологик,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Биринчи жилд. Тошкент. 2000 й.

ташкилий характердаги қарорларни қабул қилиш оқибатида вужудга келган ўзгаришлардир<sup>2</sup>.

Ўзбекистонлик олим Ш.И.Отажонов инновацияга мавжуд тизимлар ривожланишини бошқариш жараёни<sup>3</sup> сифатида таъриф беради. Шунингдек, олим фикрини давом эттириб, инновация бу – юзага келган ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ёки бошқа фойдали самарага эришиш мақсадида янги ёки такомиллашган маҳсулот (товар, иш, хизмат ва бошқ.), ишлаб чиқариш жараёни, янги маркетинг ёки бизнес юритишда ташкилий усул, иш жойлари ёки ташқи алоқаларни ташкил этиш кўринишидаги илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ва (ёки) технологик ишлар натижасидир<sup>4</sup>.

Бир қатор хорижлик олимлар ҳам инновация тушунчасига таъриф бериб ўтганлар. Жумладан, американик олим Х.Барнетнинг фикрига кўра, инновация мавжуд шакллардан янги сифат жиҳати билан фарқ қилувчи ҳар қандай ғоя, фаолият ёки моддий натижадир<sup>5</sup>. П.Витфил инновацияга ижодий ғоянинг ривожланиши ва уни тайёр маҳсулот, жараён ёки тизимга айланишидир<sup>6</sup>, деб таъриф беради. К.Найтнинг фикрига кўра эса, инновация – ташкилот ёки унинг бевосита атроф-муҳитига нисбатан бирор янгиликни жорий этишдир<sup>7</sup>.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, прокурор назорати соҳасида инновация тушунчасига қуйидаги таъриф беришни лозим топдик:

прокурор назорати соҳасида инновация бу – прокурор назорати фаолиятини таждирий ривожлантиришга, замонавийлаштиришга ҳамда прокуратура органлари мавжуд моддий ва меҳнат (кадр) ресурсларини

---

<sup>2</sup> Шумпетер Й. Теория экономической развития. М.: Прогресс. 2002. – С.255.

<sup>3</sup> Отажонов Ш. И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш. Dissertatsiya -2018. 26-b.

<sup>4</sup> Отажонов Ш. И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш. Dissertatsiya -2018. 28-b

<sup>5</sup> Barnett H.G. (1953). Innovation: the Basis of Cultural Change // New York: McGraw Hill.

<sup>6</sup> Whitfield, P. (1979). Innowacje w przemyśle. Transl. by T. Mroczkowski. Warszawa: Państwowe Wydawnictwo Ekonomiczne

<sup>7</sup> Seth C. Lewis. Journalism Innovation and Participation: An Analysis of the Knight News Challenge. January 2011. International Journal of Communication

оптималлаштиришга хизмат қиладиган янгича ғоялар, назорат методлари ва технологияларидир.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ қонунлар ижроси устидан назорат, жумладан, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш; фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш; тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш; солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш; ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Шу нуқтайи назардан, прокуратура органлари зиммасига улкан вазифалар юкланган. Жумладан, биргина 2019 йил давомида **қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш** мақсадида 77 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган, 134 минг нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланган. 20 мингдан ортиқ ноқонуний ҳужжатлар прокурорларнинг протестлари асосида қонунга мувофиқлаштирилган, тегишли идораларга 16 мингга яқин тақдимномалар киритилган. Қонун талабларини бузган 40 мингга яқин шахс интизомий ва маъмурий

жавобгарликка тортилган, кўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 1.709 та жиноят иши кўзғатилган. Прокурор текширишлари ва жиноят ишлари тергови давомида жами 2 трлн. 300 млрд. сўмдан ортиқ зарарнинг қопланиши таъминланган<sup>8</sup>.

Шунингдек, прокуратура органлари томонидан 2019 йилда **фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига оид қонунчилик ижроси устидан назоратни** таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда асосий эътибор аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиғини сақлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланишига доир қонунчилик ижросига қаратилди. Мазкур соҳадаги назорат тадбирлари давомида: –12,5 мингдан (2018 йилда 11 минг та) зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди; – қонунбузилиши сабабларини бартараф этиш борасида 1700 дан ортиқ (2018 йилда 1650 та ) тақдимномалар юборилди; – судларга қарийб 9,7 млрд. Сўмни (2018 йилда 8,5 млрд. сўм) ундириш борасида 2,5 мингдан (2018 йилда 2,8 мингдан зиёд ) зиёд аризалар киритилди<sup>9</sup>.

Шу ўринда айтиш мумкинки, ҳозирги кунда прокурор назорати соҳасига инновацион ёндашувларни, шу жумладан, ахборот коммуникация технологияларини, янгича текшириш ва иш услубларини, ҳуқуқбузарликларни аниқлашнинг янгича тактика ва услубиётини, прокурор назорати ҳужжатларини тузишнинг инновацион шаклларини жорий этиш долзарб аҳамиятга эгадир. Чунки ижтимоий муносабатлар ривожланиб бораётгани сабабли қонунчилик ҳам тезкорлик билан ривожланиб борапти. Бу борада прокурор назоратига қўйилган талаблар ҳам ўзгарапти. Бу эса эскича иш услубидан воз кечиб, янгича иш услубига ўтишни тақазо этади.

Прокурор назорати соҳасида бир қатор муаммолар борки, соҳага инновацион ёндашувларни жорий этишни тақазо этади. Буларга:

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимлари куни”ни ношонлашга бағишланган мажлисдаги маърузаси.

<sup>9</sup> <https://prokuratura.uz/#/ijtimoiy>

- прокурор назоратини амалга оширувчи ходимлар, шунингдек, барча прокуратура ходимларининг фаолияти баҳолаш кўрсаткичлари ва механизмлари мавжуд эмаслиги;
- фаолиятни рақамлаштиришдаги мавжуд муаммолар;
- бугунги кунда прокурор назорати соҳасида қонунбузилиши хавфини аниқлашнинг тезкор механизмлари мавжуд эмаслиги;
- прокурор назорати ва идоравий назорат ўртасида самарали ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

## 1.2. Прокурор назорати самарадорлигини баҳолашга инновацион ёндашувларни жорий этиш

Маълумки, давлатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш<sup>10</sup> прокуратура органларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб амалга ошириладиган ишларни баҳолаш самарадорликка қараб белгиланади.

Прокуратура органлари фаолиятининг йўналишларидан бири бўлган қонунчилик ижроси устидан назорат фаолиятида ҳам самарадорликни аниқлаш алоҳида услубларни қўллаш орқали амалга оширилади. Шу ўринда самарадорликни баҳолаш қандай мезонлар орқали амалга оширилиши тўғрисида савол туғилиши табиий.

Қонунчилигимиз прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг умумий йўналишларини белгилаб беради. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 45-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколат муддати давомида камида икки марта комплекс ўрганиб чиқилади. Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади.

---

<sup>10</sup> “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун, 2-модда.

Прокуратура назорати самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҳақида гап кетганда, рус олими К.Ф. Скворцов прокурор назоратини баҳолашнинг аниқлик китта мезонини таъкидлайди. Булар:

- конун бузилишлари ўз вақтида ва тўлиқ аниқланганлиги;
- аниқланган ҳуқуқбузарликларга қўлланилган жавобгарликнинг ўз вақтидалиги, тўлиқлиги ва етарлилиги.<sup>11</sup>

Бундан ташқари, прокурор фаолиятини баҳолашда маълум бир ҳудуддаги конунийликнинг умумий ҳолатини ҳам ҳисобга олиш лозим. Яъни фаолият самарадорлигини маълум индикаторлар билан баҳолаш тизимини энг мақбул вариант ҳисобланади. Масалан, соғлиқни сақлаш, банк-молия органлари, таълим муассасаларида содир этилган ҳуқуқбузарликлар кўрсаткичлари ва динамикаси.

Шунингдек, прокурор назорати фаолиятини баҳолаш тегишли соҳада амалга оширилган назорат тадбирларининг чуқур таҳлили асосида амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд ҳолатга кўра, прокурор назорати самарадорлигини баҳолаш тегишли прокуратура томонидан ишларни ташкил этиш ҳолати, бир сўз билан айтганда, амалиётни таҳлил қилиш билан амалга оширилади. Бу баъзан самарали, баъзан эса самарасиз бўлиши мумкин.

Шу асосга кўра, фикримизча, прокурор назорати самарадорлигини баҳолаш тизими аниқ кўрсаткичларни ўз ичига олган комплекс дастур бўлиши, жумладан, прокурор назоратида самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини – КРІ тизимини амалиётга жорий этишимиз лозим. Фикримизча, бу кўрсаткичлар умумий прокурор фаолияти самарадорлиги муҳим индикаторлари (PPI – prosecutorial performance indicators) таркибида бўлиши лозим.

Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолашнинг самарали механизмлари

---

<sup>11</sup> Скворцов К.Ф. Исследование проблем эффективности прокурорского надзора // Вопросы теории и практики прокурорского надзора. М., 1975, с. 10.



ишлаб чиқилган. Шундай механизмлардан бири – самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (KPI) ҳисобланади. KPI тизими – Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (KPI – key performance indicators) – мақсадларга эришишга ёрдам берувчи кўрсаткичларни шакллантиришга қаратилган баҳолаш услубидир. Иқтисодий сектордан ташқари бошқарув соҳасида ҳам KPI дан фойдаланиш ташкилотга нафақат ўзининг самарадорлигини баҳолаш, балки фаолиятининг ички механизмларини ҳам қайта кўриб чиқиш имконини беради<sup>12</sup>.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) тизимида тузилма ва унинг ходимлари фаолияти миқдорий сон кўрсаткичлар орқали ўлчанади. Мазкур кўрсаткичлар бўйича ҳисобот тайёрлангач, режалаштирилган мақсадга қанчалик даражада эришилгани, режалар қай даражада аниқ ва тўғри қўйилганини баҳолаш мумкин бўлади.

Жаҳон мамлакатларида бу тизим нафақат, молия, банк ва тадбиркорлик соҳаларида, шунингдек, давлат бошқаруви органлари (state service), юридик хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам қўлланилиб келинади.

Ўзбекистон Республикасига самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) тизими 2015 йилда, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йил 28 июльда “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли Қарори билан кириб келган бўлиб, асосан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида, жумладан, банк-молиявий секторидан қўлланилиб келинади.

Ҳозирги вақтга келиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига (KPI) оид янги механизм эксперимент тариқасида амалиётга жорий этилмоқда. Республикаимизнинг 11 та туман ва шаҳарлари

---

<sup>12</sup> Шавкат Маматов. KPI нима, бошқа тизимлардан афзаллиги қандай? Мақола. [www.davaktiv.uz](http://www.davaktiv.uz)

хокимликларида хоким ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш (KPI) тизими амалиётда синовдан ўтказилмоқда. Бу борада барча туман, шаҳар хокимликларидаги вазиятлар ўрганиб чиқилиб, мавжуд шарт-шароитлар инобатга олинган ҳолда ҳар бир хоким ўринбосарларига йўналишидан келиб чиқиб, улар фаолиятини ҳолисона баҳолашга хизмат қилувчи кўрсаткич индикаторлари ишлаб чиқилган.

Амалга оширилган тадқиқот натижарари шуни кўрсатдики, мазкур тизим бир қатор афзалликлардан иборат: биринчидан, ишни режали ташкил этишни таъминлайди; иккинчидан, самарадорликни объектив баҳолаш имкониятини вужудга келтиради; учинчидан, ходимларда ишлашга рағбатлантирувчи омил сифатида намоён бўлади.

Прокурорлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш соҳасида хорижий мамлакатлар бир қатор тажрибага эга. Жумладан, Қозоғистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 15 декабрдаги 145-сонли буйруғи билан “Қозоғистон Республикаси прокуратураси тизимининг “Б” корпуси маъмурий давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш методикаси” тасдиқланган. Унга кўра, прокурорнинг KPI и қуйидаги тўртта принцип асосида амалга оширилади<sup>13</sup>:

- аниқлик – аниқ кутилаётган ижобий ўзгариш;
- ўлчовлилик – еришилган натижаларни ўлчашнинг ўзига хослиги;
- эришиш мумкинлилиги – мавжуд ресурс ва имкониятларга асосланганлиги;
- муддат белгиланганлиги – KPI га эришиш учун аниқ муддатнинг белгиланганлиги.

Бунда фаолиятни самарадорлигини баҳолашда “аъло”, “самарали”, “қониқарли” ҳамда “қониқарсиз” каби баҳолаш сегментларидан фойдаланилади.

---

<sup>13</sup> [www.adilet.zan.kz](http://www.adilet.zan.kz) - Информационно-правовая системанормативных правовых актов Республики Казахстан

Шунингдек, Қозоғистон қонунчилигида прокурор фаолиятини баҳолашнинг “фаолиятни бошқариш”, “хамкорлик”, “самарадорлик”, “қарорлар қабул қилиш”, “ўз-ўзини ривожлантириш”, “ҳалоллик”, “масъулият”, “ташаббус”, “стрессга чидамлик” сингари психологик критериялари ҳам мавжуд<sup>14</sup>.

Бундан ташқари, Руминияда 2007 йил 4 октябрда қабул қилинган “Судьялар ва прокурорларнинг касбий фаолиятини баҳолаш тўғрисида”ги низом қабул қилинган. Мазкур низомнинг 11-моддасига мувофиқ, назорат соҳасида қонунийлик, муддатларга риоя этилганлик ҳамда тезкорлик прокурор фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонларидан ҳисобланади<sup>15</sup>. Шунингдек, ушбу ҳужжатга асосан, прокуратура ва суд органлари ходимлари фаолиятини баҳолаш Олий магистратура кенгаши томонидан амалга оширилади, кенгаш бош қотиби ҳар йили ходимлар тўғрисида маълумотлар йиғма жилдини юритади, ушбу маълумотлар эса махсус комиссияда таҳлил қилинади ва расмийлаштирилади.

Бундан ташқари, бир қатор жорижий илмий муассасалар томонидан ишлаб чиқилган прокурорлар КРІ ҳам мавжуд. Жумладан, 2017 йилда Флорида халқаро университети Чикагонинг Лоёла университети билан ҳамкорликда 55 та индикатордан иборат РРІ (prosecutorial performance indicators) – прокуратура органлари самарадорлиги кўрсаткичларини ишлаб чиққан. РРІ – бу прокуратура ходимлари учун самарадорлик ва адолатни ўрнатишга қаратилган замонавий кўрсаткичлар тўплами бўлиб, фаолиятни бошқариш, самарадорликни ўлчаш, ҳисобдорлик ва шаффофлик воситаси сифатида ишлайди. Ушбу чоралар маҳкама маъмурларига, айниқса ўрта даражадаги раҳбарларга қарор қабул қилиш тенденцияларини тушунишда ёрдам бериши мумкин. Адолатли ва энг муносиб натижани аниқлаш учун ҳар бир алоҳида ҳолатни баҳолаш зарур бўлса-да, вақт ўтиши билан ушбу

---

<sup>14</sup> [www.adilet.zan.kz](http://www.adilet.zan.kz) - Информационно-правовая система нормативных правовых актов Республики Казахстан

<sup>15</sup> [www.lege5.ro](http://www.lege5.ro)

қарорларнинг кумулятив таъсирини ўрганиш ҳам муҳимдир.<sup>16</sup> Шунга кўра, КРІ кўрсаткичлари учта гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳда, асосан, прокурорларнинг салоҳияти (касбий хусусиятлари, касбга чидамлилиги) ва самарадорлиги баҳоланади.

Иккинчи гуруҳ бевосита жамоат хавфсизлиги ва тинчлигининг таъминланиши даражаси билан боғлиқ .

Учинчи гуруҳ эса прокурорларнинг судларда иштироки, одил судловни таъминлашдаги иштироки баҳоланади.

Бизнингча, прокурор назорати фаолиятига самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (КРІ) тизими жорий этишдан олдин, фаолиятни рақамлаштириш масаласини ҳал этиш лозим. Фаолиятда рақамли технологияларни жорий этиш шаффоф муҳитни шакллантиради. Мазкур рақамлаштириш концепциясига кўра, прокурор назоратида КРІ ни қўллашда ходимлар кундалик, ойлик, чораклик, йиллик ҳисоботларни махсус порталга жойлаштириб боришлари лозим бўлади. Портал ҳисоботларни автоматик тарзда электрон таҳлил тизими асосида амалга ошириши лозим. Бунда порталда ҳисоботни жойлаштиришнинг чекланган муддати белгиланади. Муддатлар эса ходимни огоҳлантирувчи қизил, сариқ ва яшил сегментлар орқали кўрсатиб турилади. Бунда яшил – ҳисобот топшириш муддати яқунланмаганлигини, сариқ – муддат тугашига яқин вақт қолганлигини, қизил эса муддат тугаганлигини англатади.

Прокуратура органлари фаолиятига ходимларнинг меҳнат самарадорлигини баҳолашнинг янгича ёндашуви сифатида КРІ (самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари)ни жорий этиш борасида сўровнома ўтказилганда, респондентларнинг 76 фоизи КРІ нинг прокуратура органлари фаолиятига жорий этилишини ижобий деб ҳисобласа, 12 фоизи бу фикрга қўшилмаган, респондентларнинг 12 фоизи эса бетараф қолган.

(1-ИЛОВА)

---

<sup>16</sup> [www.prosecutorialperformanceindicators.org](http://www.prosecutorialperformanceindicators.org)

Юқоридагиларга асосан хулоса қиладиган бўлсак, прокурор назорати самарадорлигига баҳо бериш бевосита қонунлар ижросининг амалда реал таъминланиши натижаларидан келиб чиқиши лозим. Бунда:

биринчидан, прокурор назорати самарадорлиги баҳолашнинг миқдорий кўрсаткичларидан воз кечиш лозим.

Иккинчидан, прокурор назорати самарадорлиги баҳолаш борасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш лозим. Жумладан, прокуратура органлари ходимлари орасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, респондентларнинг 88% и прокурор назорати самарадорлигини аниқлашнинг мавжуд механизмларини такомиллаштириш лозим деб ҳисоблайди (1-ИЛОВА). Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 45-моддасида келтирилган прокурорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари умумийлик касб этади. Фикримизча, прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат (III бўлим 1-боб), фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат (III бўлим 2-боб); жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат (III бўлим 3-боб) фаолиятини баҳолаш мезонлари “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда конкретлаштирилиши лозим. Жумладан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун **прокурорлар фаолияти самарадорлигини баҳолашни тартиби ва мезонларини назарда тутувчи V<sup>1</sup> бўлим билан тўлдирилиши лозим.**

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ишни ташкил этиш ва хизмат фаолиятининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, хорижий мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги айрим ижро ҳамда суд органларида жорий этилган амалий тажриба асосида **прокурор назорати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичлари (РКРІ)**ни ишлаб чиқиш лозим.

### **1.3. Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишни рақамлаштиришнинг аҳамияти ва зарурияти**

Бугунги кунда жамиятни рақамли технологияларсиз тасоввур қилиб бўлмайди. Прокуратура органлари фаолияти самарадорлиги маълум даражада ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиш даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан, олимлар В.Б.Андреев ва О.А.Инсаров прокурор назоратининг барча фаолият соҳалар билан, шу жумладан, ахборотни қайта ишлаш билан чамбарчас боғлиқлигини асосли равишда таъкидлайди ва унинг муҳим хусусиятлари сифатида унинг ишончлилиги ва тўлиқлигини, вазиятни тушуниш ва қарор қабул қилиш учун ҳақиқий ҳолатига мувофиқлиги билан изоҳлайди. Худди шу пайтда ўзида прокуратура керакли бўлган маълумотлар кўпинча қарама-қарши ва етарли бўлмаса, бу ишни сезиларли даражада мураккаблаштиради<sup>17</sup>. Шу муносабат билан рақамли тизимни жорий этиш ва улардан фаол фойдаланиш прокуратура назорати субъектларининг ҳаракатлари ва қарорлари қонунийлиги ва асослилиги тўғрисидаги маълумотларни тезкор олишни, самарадорликни объектив баҳолашни таъминлашнинг зарур шarti сифатида, шунингдек, қонун бузилиши ҳолатлари мавжуд бўлса, жавобгарлик чораларини кўришни таъминлайди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш давлат назорати шаклларида бири бўлган прокурор назорати фаолиятида ҳам учрайди. Прокуратура органлари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланиши, автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг татбиқ қилиниши, бошқарув тизимининг рақамлаштирилиши, замонавий технологияларнинг фаол қўлланилиши ушбу йўналишни такомиллаштиришнинг асосий компонентлари сифатида эътироф этиш жоиз бўлади. Чунки, бу масала

---

<sup>17</sup> Андреев В.Б., Инсаров О.А. Информатизация органов прокуратуры Российской Федерации // Настольная книга прокурора. В 2 ч. Ч. 1: практ. пособие / Под общ. ред. О.С. Капинус, С.Г. Кехлерова. 5-е изд., перераб. и доп. М.: Юрайт, 2019. С. 69

давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, келгусида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ривожланишининг муҳим индикатори сифатида белгиланган. Жумладан, давлат бошқарув тизимида рақамли технологияларни жорий этиш Ўзбекистон Республикасида истиқболли йуналишлардан бири сифатида шаклланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 28 декабрдаги Парламентга Мурожаатномасида жамият ва иқтисодиётни рақамлаштириш масаласини бош мезон сифатида таъкидлаган эди. Жумладан, иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқиш ва шу асосда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Шу аснода 2020 йил 5 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони алоҳида ҳуқуқий шарт шароит бўлиб хизмат қилади. Мазкур Фармонга кўра, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан, электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш назарда тутилган<sup>18</sup>.

Прокурор назорати соҳасини рақамлаштиришнинг аҳамияти ва зарурияти ҳақида сўз кетганда, аввало, “рақамлаштириш” тушунчасини таҳлил қилиш лозим. Жумладан, рақамлаштириш тушунчасига бир қатор олимлар томонидан иқтисодий ва техник жиҳатдан таъриф берилган. В.Г.Халин, Г.В.Черновалар рақамлаштириш тушунчасига ахборотни рақамли шаклга ўтказишга асосланган ва иқтисодиёт самарадорлигини оширишга ва ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келадиган иқтисодиёт ва жамият

---

<sup>18</sup> <https://lex.uz/> — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

ривожланишидаги замонавий глобал тенденциядир<sup>19</sup> деб таъриф беришади. Тор маънода “рақамлаштириш” жараёни, одатда, рақамли технологияларни кенг қўллаш ва ассимиляция қилиш ташаббуси билан бошланган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришни англатадиган ахборотни яратиш, қайта ишлаш, алмашиш ва узатиш технологияларидир<sup>20</sup>.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, прокурор назорати фаолиятини рақамлаштириш тушунчасига прокурор назорати фаолиятида рақамли технологияларни жорий этиш, деган таърифни беришни лозим топдик.

Прокурор назорати соҳасини рақамлаштириш бўйича бир қатор хорижий мамлакатларда дастлабки қадамлар қўйилган. Масалан, **Россия Федерацияси тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак**, “Рақамли Россия Федерацияси” концепцияси доирасида қабул қилинган Россия Федерацияси бош прокурорининг 2017 йил 14 сентябрдаги “2025 йилгача прокуратура органлари ва ташкилотларини рақамли ўзгартириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи<sup>21</sup> ни алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур буйруқ билан Россия Федерациясида прокуратура органларининг рақамлаштириш истиқболлари ҳамда амалга ошириш йўналишларини белгилаб берилган.

Прокурор назорати соҳасини рақамлаштириш бутун тузилма фаолиятини рақамлаштиришнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Яхлит тизим сифатида Россия Федерациясида прокуратура органлари фаолиятини рақамлаштириш “НАДЗОР” автоматлаштирилган ахборот комплекси, АИС “Архивное дело ОП”, “КАДРЫ-ОП” автоматлаштирилган

---

<sup>19</sup> Халин В.Г., Чернова Г.В. Цифровизация и ее влияние на российскую экономику и общество: преимущества, вызовы, угрозы и риски // Управленческое консультирование. 2018. № 10. С.

<sup>20</sup> Данное определение приводится, в частности, экспертами UNCTAD (The Transformative Economic Impact of Digital Technology, [http://unctad.org/meetings/en/Presentation/ecn162015p09\\_Katz\\_en.pdf](http://unctad.org/meetings/en/Presentation/ecn162015p09_Katz_en.pdf))

<sup>21</sup> Приказ Генерального прокурора Российской Федерации от 14.09.2017 № 627 “Об утверждении Концепции цифровой трансформации органов и организаций прокуратуры до 2025 года” // Законность



ахборот комплекси, Молия-хўжалик фаолиятини ахборот билан таъминлаш тизими (Система информационного обеспечения финансово-хозяйственной деятельности), АРМ “Статистика”, “Единый реестр проверок” федерал давлат ахборот тизими (ФГИС ЕРП), Ҳуқуқий статистиканинг давлат автоматлаштирилган тизими (ГАС ПС) <sup>22</sup> тизимлари орқали амалга оширилади.

Қозоғистон Республикасида эса рақамлаштирилган прокурор назорати бешта тизим, яъни электрон жиноий иш, маъмурий иш юритиш ягона реестри (Единый реестр административных производств – ЕРАП), текшириш субъектлари ва объектларининг ягона маркази (Единый реестр субъектов и объектов проверок –ЕРСОП) ҳамда электрон мурожаат ва таҳлил марказлари орқали амалга оширилмоқда. Масалан, 2018 йил 1 январдан бошлаб ишга туширилган электрон жиноят иши модулини оладиган бўлсак, жиноий ишларини тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортишиш электрон форматда ташкил этиш учун ишлаб чиқилган. Маълумотларга кўра, мазкур модул сезиларли даражада терговчининг ишини осонлаштириб, жиноят ишини юритиш жараёнини соддалаштириш ва тезлаштиришга хизмат қилган.<sup>23</sup>

Кейинги босқичда, Қозоғистон Республикасида тергов ҳаракатларини назорат қилиш учун автоматлаштирилган прокурор назорати фаолиятини ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тажрибасида ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятини рақамлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Дастлабки қадамларни бевосита суд ҳокимияти тизимида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон Қарори билан тасдиқланган 2017–2020

---

<sup>22</sup> Попов Александр Александрович. Цифровизация прокурорского надзора за исполнением законов в досудебном производстве: предпосылки и перспективы развития в России . ПРАВО И ГОСУДАРСТВО: теория и практика. 2019. № 12(180). С. 291

<sup>23</sup> Н.М. Джурабеков, Э.Ж. Сокурова. Статья. Цифровизация как инструмент повышения эффективности прокурорского надзора в Республике Казахстан

йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг ижроси натижасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилган.<sup>24</sup>

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.09.2020 йилдаги ПҚ-4818-сонли “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, суд органларини рақамлаштиришнинг кейинги босқичи асосий вазифалар этиб қуйидагилар белгиланди:

- фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш;

- судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олиншини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш;

- махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

- суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок

---

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.09.2020 йилдаги ПҚ-4818-сонли "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.09.2020 й., 07/20/4818/1255-сон;

этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш;

- суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш.

Мазкур қарор билан 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига қўидаги имкониятларни берувчи “Адолат” ахборот тизимлари комплекси жорий этиш кўзда тутилган:

а) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш;

б) манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш;

с) суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш;

д) суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган равишда шакллантириш.

Прокуратура органлари фаолиятида ҳам иш унумдорлигига эришиш мақсадида 2019 йилнинг 29 августидан прокуратура органларида “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими жорий этилди. Унга мувофиқ прокуратурада ҳужжатлар айланмаси, яъни ҳужжатларни рўйхатга олиш, ижрочиларга етказиш, ижросини таъминлаш, назорат қилиш, натижаси бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва юбориш электрон шаклда амалга оширилади<sup>25</sup>.

---

<sup>25</sup> Шерзод Зокиров. Прокуратура органларида электрон мурожаатлар. Мақола. // [url: https://huquq.uz/2020/07/06/ppokupatupa-organelapida-elektpon-murozhaatlap/](https://huquq.uz/2020/07/06/ppokupatupa-organelapida-elektpon-murozhaatlap/)

Бунинг натижасида 2019 йилнинг сўнги икки ойида фақатгина қоғоздан 500 млн. сўмлик маблағ тежалишига эришилди.<sup>26</sup>

Аmmo бу борадаги ишлар прокурор назорати самарадорлигини ошириш учун етарли эмас. Ўзбекистон Республикасида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати соҳасида юқори самарадорликка эришиш учун, албатта, соҳани рақамлаштириш имкониятларини ўрганиб чиқиш лозим. Фикримизча, “Рақамли прокуратура-2030” бош концепцияси ва “рақамли прокурор назорати”, “рақамли бошқарма”, “рақамли алоқа тугуни”, “ҳимояланган ҳужжат айланиш тизими”, “рақамли архив”, “рақамли иш юритиш” модуллари концепцияларни ишлаб чиқиш лозимдир.

Фикримизча прокурор назорати фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш куйидаги афзалликларни намоён этади:

биринчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилишга имкон яратади;

иккинчидан, тезкор маълумот алмашинувини вужудга келтиради;

учинчидан, вақтнинг тежалишига, ходимлар ва мутахассислар миқдорининг оптималлашишига хизмат қилади;

тўртинчидан, очиқ ва шаффоф амалиёт шаклланади;

Маълумки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш прокурор назорати фаолиятининг энг мураккаб тармоқларидан бири ҳисобланади. Ўз ўрнида назорат текширувлари тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлмаслиги лозим. Бу эса мазкур назорат турини рақамлаштиришни тақазо этади. Тадбиркорлик фаолиятини текшириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, жумладан, Қозоғистон Республикасида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ноқонуний текширишларнинг олдини олиш бўйича “текширув

---

<sup>26</sup>Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини”ношонлашга бағишланган тантанали мажлисдаги маърузаси.

субъектлари ва объектларининг ягона реестри” (Единый реестр субъектов и объектов проверок (ЕРСОП)) мавжуд. Мазкур платформа ўз ичига бир нечта модулларни қамраб олади. Мазкур модуллардан бири бўлган “Текширишлар” модули орқали 30 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари билан Электрон алоқа ўрнатилган бўлиб, ҳар бир текшириш электрон тарзда қайд этиб борилади ва натижаси базага жойлаштирилади. Бу прокурорларга қонунийлик ҳолатига ўз вақтида ҳуқуқий баҳо бериш имкониятини беради.

Россия Федерациясининг “Давлат назоратини амалга оширишда юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” федерал қонунига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 2014 йил 31 декабрдаги 511-ФЗ-сонли қонунига мувофиқ, ФГИС ЕРП ахборот тизими яратилган. Мазкур тизим орқали тадбиркорлик субъектларини текшириш натижалари ягона электрон дастурий таъминот орқали таҳлил қилиб борилади.<sup>27</sup>

Ўзбекистон Республикаси тажрибасида ҳам тадбиркорлик субъектларини текширишларни рўйхатга олиш ва қонунийлигини текшириш “Текширишларни электрон рўйхатга олишнинг ягона тизими” орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра, назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши шартлилиги белгиланган.

Шундай бўлсада, амалиётда тизим имкониятлари мукамал эмаслигига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, назорат қилувчи органлар ва прокуратура органлари ўртасида маълумот алмашинуви тезкор ташкил этилмаган. Иқтисодий қонунчилик устидан назорат соҳасидаги

---

<sup>27</sup> Попов Александр Александрович. Цифровизация прокурорского надзора за исполнением законов в досудебном производстве: предпосылки и перспективы развития в России . *Право и Государство: теория и практика*. 2019. № 12(180). С. 291

мутахассисларнинг фикрига кўра, прокуратура органлари маълумотлар базаси назорат қилувчи органлар билан етарлича интеграция қилинмаганлиги сабабли мавжуд тадбиркорлик соҳасидаги текширишлар натижаларини прокуратура органлари томонидан постфактум таҳлил қилинишига тўғри келмоқда. Бу ўз навбатида қонунбузилишларига ўз вақтида ҳуқуқий баҳо бериш имкониятидан маҳрум қилади. Амалдаги вазиятга кўра, тадбиркорлик оҳасидаги текширишлар тўғрисидаги маълумотлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес-омбусман) маълумотлар базасида кўринади. Аммо мазкур маълумотларни таҳлил қилиш учун бизнес-омбусман ҳузуридаги мавжуд дастурий ва меҳнат (кадр) ресурслари етишмайди.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикасида ҳам мавжуд тадбиркорлик субъектларини текширишларни Электрон тизими имкониятларини янада кенгайтириш лозим. Бунда мазкур платформага қуйидагиларни киритиш орқали амалга оширилиши керак: 1) юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни режали ва режадан ташқари текширишлар реестрини шакллантириш ва юритиш функцияларини автоматлаштириш, бундай текширишлар натижаларини қайд этиб бориш; 2) прокуратура органларида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг текширувларини ўтказиш бўйича давлат назорати (назорат) органларининг мурожаатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнларини автоматлаштириш; 3) ваколатли шахсларнинг текширувларнинг ягона реестрида қайта ишланган маълумотларга киришини таъминлаш ва бошқалар. Шунингдек, портал бевосита иккита контингентдан иборат бўлиши лозим: очиқ ва ёпиқ. Фуқаролар, юридик шахслар, тадбиркорлик субъектлари ва бошқалар порталнинг очиқ контингенти фойдаланувчилари бўлиши, давлат назорат органлари, прокуратура органлари ходимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес-омбудсман)

марказий ҳамда ҳудудий бошқармалари ходимлари платформанинг ёпик контингенти фойдаланувчилари бўлиши лозим.

Фикримизча, прокурор назоратини рақамлаштиришда сунъий интеллект имкониятларини кенг жорий этиш асосий аҳамиятга эга. Бусиз рақамлаштиришдан асосий мақсадларга эришишнинг иложи йўқ. Акс ҳолда электрон иш юритувнинг ўзи ортиқча иш юкласига сабаб бўлиши мумкин. Қ.С.Раҳмановнинг фикрига кўра, ...бунда рақамлаштириш қўлланиладиган соҳа ёки жараён тўлиқ реинжиниринг қилган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, рақамлаштириш орқали мавжуд жараённи янада мураккаблаштириб юбориш мумкин<sup>28</sup>. Олим яна ўз фикрида давом этиб, “электрон” тушунчасининг ўрнига “ақлли” тушунчасини ишлатиш долзарб эканлиги таъкидлайди. Олим ўз фикрини “электрон ҳукумат” тушунчаси анча эскириб, жаҳон тажрибасида “ақлли ҳукумат” ишлатилинаётганлиги билан изоҳлайди. Негаки, “ақлли” тушунчаси кўпроқ “автоматлаштириш” ҳамда “сунъий интеллект” маъноларини ифодалайди.<sup>29</sup> Бизнингча ҳам Қ.С.Раҳмановнинг фикрлари асосли ва бунда “электронлаштириш” тушунчаси моҳиятан мутлоқ рақамлаштириш имкониятларини ифодаламайди. Бу ўринда фаолиятни рақамлаштиришда, аввало, сунъий интеллект имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш масаласини ўрганиб чиқиш керак.

Юқоридаги таҳлиллар ҳамда бир қатор хорижий мамлакатлар тажрибасига асосан хулоса қилиш мумкинки, қонунлар ижроси устидан назорат соҳасини рақамлаштириш назорат самарадорлигини оширади. Шу сабабли, қуйидаги таклиф ва тавсияларни беришни лозим топдик:

---

<sup>28</sup> Раҳманов Қ.С. Давлат бошқарувида рақамлаштиришдаги муаммо ва ечимлар “Давлат бошқарувида рақамлаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Тошкент 2019 й. 86 б.

<sup>29</sup> Раҳманов Қ.С. Давлат бошқарувида рақамлаштиришдаги муаммо ва ечимлар “Давлат бошқарувида рақамлаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Тошкент 2019 й. 86 б.

Биринчидан, прокурор назорати фаолиятини рақамлаштиришни кўзда тутувчи норматив-ҳуқуқий базани яратиш лозим. Шунингдек, “**Рақамли прокуратура – 2030**” концепциясини (1-ИЛОВА) қабул қилиш лозим. Бу ўз навбатида прокурор назорати фаолияти ва бошқа назорат органлари текширувларини тўлиқ рақамлаштиришга доир тегишли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарори, Вазирлар Маҳкамаси қарори ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруғини қабул қилиш заруриятини аниқлатади.

Иккинчидан, прокуратура органларини сифатли ахборот билан таъминлаш бўйича ишларни олиб бориш. Жумладан, махсус дастурий таъминот ишлаб чиқиш орқали маҳкама фаолиятини тўлалигича автоматлаштириш лозим. Жумладан, прокуратура органларида “электрон прокурор назорати” платформасини яратиш лозим. Мазкур платформа ўз ичига “Электрон текширишлар модули”, “Электрон жиноят иши модули”, “Электрон таҳлил модули” каби модулларни қамраб олиши лозим.

---



## **2-БОБ. ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ЙЎНАЛИШИДА “ХАВФНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ” ВА “ХАВФНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМ”ЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

### **2.1. Прокурор назорати фаолиятига “хавфни таҳлил қилиш” ва “хавфни бошқариш тизим”ларини жорий этиш масалалари**

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига кўра, қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади. Демак, прокурор назорати текшируви учун қуйидагилар асос бўлади:

- 1) Қонун бузилиши тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар;
- 2) Қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатдалиги.

Юқорида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда келтирилган “қонун бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар” тушунарли, яъни бунда фуқаролар ва ташкилотлар томонидан келтирилган марожаатлар назарда тутилмоқда.

Лекин қонунчилик “қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлиги” жумласи орқали қандай текшириш асосини ифодаламоқда?! Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур қоида прокурорнинг бирор бир ташкилот, муассаса, тадбиркорлик субъекти фаолиятига мутлоқ аралашувини истисно этмайди.

Қонунчилик, албатта, текширув асоси ва механизмини аниқ белгалаши лозим. Жумладан, илғор мамлакатлар тажрибасида хавфни таҳлил қилиш ва хавфни бошқариш тизимларидан фойдаланиб келинмоқда. Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, бир қатор Шарқий Эуропа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари) хавфни таҳлил қилиш ва хавфни бошқариш бўйича корпоратив тизимларни жорий

этиш 1990 йилларнинг охиридан – 2000 йилларнинг бошлари бери давом этиб келмоқда.<sup>30</sup>

Ўзбекистон Республикасида ҳам бир қатор давлат органлари (солиқ, божхона ва бошқада органлар) хавфни таҳлил қилиш ва хавфни бошқариш тизимлари қўлланилиб келинмоқда. Жумладан, божхона органларида хавфни бошқариш тизими бир неча босқичда амалга оширилди<sup>31</sup>.

Прокурор назорати соҳасида бир қатор муаммолар борки, мазкур фаолиятга хавфни таҳлил қилиш ва хавфни бошқариш тизимларини жорий этишни тақазо этади:

биринчидан, назорати объектларида ортиқча ва асоссиз текширувлар амалга оширилаётганлиги ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиларнинг мавжудлиги.

иккинчидан, қонунбузилишлари кўп содир этилаётган ҳамда қонунбузилиши мавжуд бўлмаган назорат объектларига бир хил эътиборда текширувларнинг амалга оширилаётганлиги;

учинчидан, назорат текширувини амалга ошириш учун аниқ таҳлилий-амалий асоснинг мавжуд эмаслиги;

тўртинчидан, латент қонунбузилишларининг сақланиб қолаётганлиги;

бешинчидан, қонунбузилишини олдини олиш ва ўз вақтида аниқлашнинг самарали механизми мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

“Хавфни таҳлил қилиш” ва “хавфни бошқариш тизими” тушунчаларини муҳокама қилишдан аввал, ҳуқуқий термин сифатида “хавф” тушунчасини таҳлил қиладиган бўлсак, баъзи адабиётларда хавф тушунчасига тегишли ҳуқуқбузарликларни (ҳаракат ёки ҳаракатсизликни) содир этиш эҳтимоли, дея таъриф берилади. Хавфни таҳлил қилиш ва бошқариш тизими

---

<sup>30</sup> Г. М. Галиева. Организация системы управления рисками на российских предприятия. 63с. <https://cyberleninka.ru/article/n/organizatsiya-sistemy-upravleniya-riskami-na-rossiyskih-predpriyatiyah>

<sup>31</sup> Рузметов Х.Б. Ўзбекистон Республикаси Божхона органлари тизимида “Хавфни бошқариш тизими”нинг жорий этилиши тенденцияси ва унинг бугунги кундаги натижалари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” илмий электрон журнал. 2020. № 2

инновацион ёндашув сифатида мамлакатимизда янги тизим бўлганлиги сабабли, ўзбек олимлари томонидан бу борада кам соҳаларда тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, божхона соҳасида хавфни бошқариш тизимлари бўйича тадқиқот олиб борган А.А.Бухмастов фикрича “Хавфни бошқариш – божхона назоратининг замонавий тамойили бўлиб, божхона органлари ресурсларидан оптимал фойдаланган ҳолда, самарадорликни камайтирмасдан, ортиқча бюрократизмдан ТИФ иштирокчиларини озод қилишни назарда тутди”<sup>32</sup>. Шунингдек, Е.А.Гусихина фикрича хавф – бу божхона тўғрисидаги нормаларга риоя этилмаслигининг эҳтимоллиги<sup>33</sup>, деб таъриф беради.

Бизнингча, қонунчилик ижроси устидан прокурор назорат соҳасидаги хавф – бу тегишли ижтимоий-иқтисодий қонунчилик ижросининг таъминланмаслиги ҳамда қонунбузилишлари содир этилиши эҳтимоли ҳисобланади.

Шунга кўра, қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати соҳасидаги хавфни шартли равишда икки турга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

1) **Аниқланган хавф** – ижтимоий-иқтисодий қонунчилик нормалари ижро этилмаганлиги, ижро давомида қонунбузилишларига йўл қўйилганлиги ва прокуратура органлари ушбу ҳолат тўғрисида маълумотга эга эканлигидан далолат берувчи маълумотлар ҳисобланади.

2) **Потенциал хавф** – аниқланмаган, лекин келгусида вужудга келиши учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган хавф ҳисобланади.

Амалиётда “хавфни таҳлил қилиш” ҳамда “хавфни бошқариш” тушунчалари барабар қўлланилиб келинмоқда. Дарҳақиқат, “хавфни таҳлил қилиш” ва “хавфни бошқариш” тушунчалари бир биридан фарқланади. “Хавфни бошқариш” тушунчаси “хавфни таҳлил қилиш” тушунчасидан

---

<sup>32</sup> Бухмастов А.А. Анализ применения системы управления рисками при проведении таможенного контроля // Таможенное дело и внешнеэкономическая деятельность компаний, 2017; №9

<sup>33</sup> Гусихина Е.А. Система управления рисками в таможенном контроле // Автореферат – Стравополь, 2010

кенгроқдир. Чунки хавфни таҳлил қилиш хавфни бошқаришнинг таркибий қисми бўлиб, хавфга оид маълумотларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва хавфни прогнозлашни ўз ичига олади. Шу асосларга кўра, “прокурор назорати соҳасида хавфни таҳлил қилиш” ва “прокурор назорати соҳасида хавфни бошқариш” тушунчаларига муаллифлик таърифини беришни лозим топдик:

1) Прокурор назорати соҳасида хавфни таҳлил қилиш – прокуратура органлари томонидан тегишли назорат объектларидан олинган ахборотлар асосида хавфнинг юзага келиши асослари ва шарт-шароитларини аниқлаш, тегишли қонун ҳужжатларига риоя этилмаслигининг эҳтимол тутилган оқибатларини баҳолаш мақсадида мунтазам равишда фойдаланиш.

2) Прокурор назорати соҳасида хавфни бошқариш – қонунбузилиши хавфнинг олдини олиш, бартараф этиш ва уларни имкон қадар камайтириш, тегишли чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, қонун ҳужжатлари бажарилиши устидан назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда бажаришни, прокуратура органларида мавжуд ахборот узлуксиз янгиланишини, таҳлил этилишини ва қайта кўриб чиқилишини назарда тутувчи фаолият.

Дарҳақиқат, ҳар қандай тизим ўзининг таркибий элементларидан иборат бўлади. Мазкур элементлар тизимнинг бир бутун ҳолатда мукамал ишлашини таъминлайди. Бизнингча, қонунбузилиши хавфини таҳлил қилиш тизимининг асосий элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) назорат объектлари томонидан тақдим этилган ҳисоботлар;
- 2) давлат органлари, ташкилот ва муассасалар томонидан тақдим этиладиган бошқа маълумотлар;
- 3) қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи мезонлари;
- 4) қонун ҳужжатлари бузилиши хавфи сегментлари.

Қонунбузилиши хавфини бошқариш, унинг қўлланилиш стратегияси ва тактикаси, маълумот йиғиш ва уни қайта ишлаш, хавфни таҳлил қилиш ва баҳолаш, хавфни бошқаришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш Бош прокуратура тегишли тармоғи томонидан амалга

оширилиши лозим бўлади. Бунда қонунбузилиши хавфини таҳлил қилиш ва баҳолаш Бош прокуратуранинг ахборот-коммуникация технологиялари ва таҳлилнинг автоматлаштирилган тизими орқали юритилиши лозим бўлади. Бизнингча, Бош прокуратура тузилмасида “хавфни таҳлил қилиш ва бошқариш” бошқармасини ташкил қиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, хавфни таҳлил қилиш тизими амалга оширилган биргина текшириш асосида аниқланган маълумотлар билан чекланмаслиги лозим. Бунда таҳлил маълумотларни комплекс таҳлил қилиш орқали амалга оширилиши лозимдир<sup>34</sup>.

Хавфни бошқариш тизимининг самарадорлиги қуйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади:

- ташкилотнинг стратегик мақсадларига эришиш;
- кўрсаткичларнинг режалаштирилган даражасига эришиш;
- фаолиятнинг барқарорлиги;
- натижанинг юқорилиги<sup>35</sup>.

Прокурор назоратида хавфни таҳлил қилиш қонунбузилиши хавфини сегментлаш орқали амалга ошириладигани лозим. Сегментлаш – бу қонунбузилишини хавф даражасига қараб муайян тоифаларга ажратишдир. Масалан, солиқ ва божхона органларида сегментлаш “қизил йўлак” – хавф даражаси юқори, “сарик йўлак” – хавф даражаси ўрта ҳамда “яшил йўлак” – хавф даражаси паст тамойили асосида амалга оширилади.

Прокурор назоратида назорат объектларини сегментлашга қуйидаги муаллифлик таърифини беришни лозим топдик:

Назорат объектларини сегментлаш – қонун ҳужжатлари ижросини лозим даражада ёки умуман бажармаслик хавфи даражасига қараб назорат объектларини муайян тоифаларга ажратиш.

---

<sup>34</sup> Ершов А.Д., Завьялова О.В. Система управления рисками в таможенном деле: учебник / А.Д. Ершов, О.В. Завьялова. – СПб.: РИО Санкт-Петербургского имени В.Б. Бобкова филиала Российской таможенной академии, 2013. – 111 с

<sup>35</sup> Г. М. Галиева. Организация системы управления рисками на российских предприятия. 63с. <https://cyberleninka.ru/article/n/organizatsiya-sistemy-upravleniya-riskami-na-rossiyskih-predpriyatiyah>

Бунда назорат объектлари қонунбузилиши хавфи даражасига қараб паст, ўрта ва юқори хавфли тоифаларга ажратилиши лозим.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин: қандай қилиб қонунбузилиши хавфини паст, ўрта ва юқори хавфли тоифаларга ажратилиш мумкин?

Бизнингча, махсус автоматлаштирилган тизим орқали прокурор назорати объектларидан олинган маълумотларни таҳлил қилиш орқали амалга ошириш мумкин. Бунда назорат объекти томонидан қонун ҳужжатлари ижроси тўғрисидаги ҳар битта маълумот (ҳисобот шаклида бўлиши мумкин) электрон шаклда махсус дастурга киритилиши лозим бўлади.

Автоматлаштирилган дастур ёрдамида олдиндан ишлаб чиқилган алгоритмлар орқали қуйидаги манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланиб, назорат объектларининг фаолияти таҳлил қилинади:

назорат объектларининг прокуратура органларига тақдим этган ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар;

оммавий ахборот воситалари, жумладан, интернет тармоқлари ва қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалардан олинган маълумотлар;

ўтказилган текширув натижалари;

суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг назорат объекти тўғрисидаги таҳлилий маълумотлари (хусусий ажрим ва тақдимномалар);

жисмоний ва юридик шахсларнинг содир этилган қонунбузилиши тўғрисидаги мурожаатлари;

статистика органларидан олинган маълумотлар;

Бош прокурорнинг соҳани тартибга солувчи тегишли буйруғи ва бошқалар.

Дастурий маҳсулот орқали аниқланган қонунбузилиши прокурор назорати субъекти томонидан жами тўпланган балл асосида қонунбузилиши хавфи даражаси бўйича қуйидаги учта сегментга ажратилади:

а) қонунбузилиши хавфи юқори бўлган назорат объектлари (қизил);

б) қонунбузилиши хавфи ўртача бўлган назорат объектлари (сарик);

в) қонунбузилиши хавфи паст бўлган назорат объектлари (яшил).

Шунингдек, прокуратура органлари томонидан қонунбузилиши хавфи юқори ва ўртача бўлган назорат объектлари рўйхати дастурий маҳсулот орқали шакллантирилиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, дастурий маҳсулотдан шакллантирилган рўйхат назорат объектларининг шахсий кабинети орқали прокуратура органи томонидан қонунбузилиши хавфи юқорилиги ёки ўртачалиги тўғрисида назорат объекти хабардор қилиниши ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда прокурор назорати текширувига номзод этиб белгиланиши лозим.

Бундан ташқари, қонунбузилиши хавфи паст бўлган объектларга нисбатан прокурор назорат текширувлари тайинланмаслиги лозим.

Қонунлар ижроси устидан назорат соҳасида “хавфни таҳлил қилиш” тизимини жорий этиш қўйидаги афзалликларни намоён этади:

прокурор назорати субъектларида ортиқча ва асоссиз текширувлар олдини олиш ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашини чеклаш;

юқори хавфга эга бўлган соҳаларга эътиборни жамлаш ва прокуратура органлари тасарруфидаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;

прокурор назорати субъектлари фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиш тегишли субъектлар томонидан қонунбузарилиши содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилишни назарда тутувчи “қонун ҳужжатлари бузилиши хавфини таҳлил қилиш” тизими натижалари асосида амалга ошириш;

прокуратура органларининг мавжуд кадрлар ресурсларидан келиб чиқиб прокурор назоратини хавф юқори бўлган ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан назорат объектлари фаолият соҳаларига қаратиш;

қонун ҳужжатлари бузилиши хавфини баҳолашнинг замонавий усулларини жорий қилиш ва латент қоидабузарликлар кўламини қисқартириш;

қонунлар ижросига оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш.

Бундан ташқари, бизнингча, мазкур тизимларнинг жорий этилиши назорат текширувларини соддалаштиришга хизмат қилиши лозим. Божхона органларида хавфни таҳлил қилиш соҳасида тадқиқот олиб борган олим Х.Б.Рўзметовнинг фикрича, тизим “самарадорлик” ва “соддалаштириш” асосига қурилиши лозим. Бунда “...назорат ва расмийлаштируви имкон қадар содда бўлсин, лекин унинг самарадорлиги юқори бўлсин”<sup>36</sup>.

Юқоридагиларга асосан хулоса қилиш мумкинки, прокуратура органлари фаолияти, шу жумладан, қонунлар ижроси устидан назорат соҳасига хавфни таҳлил қилиш ва хавфни бошқариш тизимларини жорий этиш назорат самарадорлигини оширади. Бу эса мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш борасида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бизнингча, прокурор назорати фаолиятида хавфни таҳлил қилиш ва хавфни бошқариш тизимларини жорий этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Норматив-ҳуқуқий база яратиш. “Прокуратура органлари тўғрисида”ги қонунга хавфни таҳлил қилиш ва хавфни бошқариш тизимлари орқали олинган маълумотларни прокурор назорати текшируви асосларидан бири сифатида киритиш лозим. Шунингдек, мазкур модда прокурор назорати текширувлари учун мавжуд асослар доирасини кенгайтиришни тақозо этади. Жумладан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддаси “*аризалар ва бошқа маълумотлар*” жумласини “*аризалар, оммавий ахборот*

---

<sup>36</sup> Рўзметов Х.Б. Ўзбекистон Республикаси Божхона органлари тизимида “Хавфни бошқариш тизими”нинг жорий этилиши тенденцияси ва унинг бугунги кундаги натижалари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” илмий электрон журнал. 2020. № 2



*воситаларининг берган хабарлари, хавфни таҳлил қилиш натижалари ва бошқа маълумотлар” жумласига ўзгартириш лозим:*

Бундан ташқари, прокурор назорати фаолиятига хавфни таҳлил қилиш ва хавфни бошқариш тизимларини жорий қилишга доир тегишли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонини, Бош прокурорнинг эса соҳавий буйруғини қабул қилиш лозим.

2. Прокуратура органларини сифатли ахборот билан таъминлаш бўйича ишларни олиб бориш. Жумладан, махсус дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва мазкур дастурий таъминотга барча назорат объектларини интеграция қилиш орқали маълумот алмашишни йўлга қўйиш лозим.

## **2.2. Прокурор назорати йўналишида “хавфни таҳлил этиш” тизими индикаторлари: умумтаълим мактаблари фаолиятида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат йўналиши мисолида**

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш учун фаолиятга хавфни таҳлил қилиш ҳамда хавфни бошқариш тизимларини жорий қилиш тегишли қонунчилик соҳасида тизимли қонунбузилишларни тезкор аниқлаш ва ўз вақтида бартараф қилиш имконини беради.

Хусусан, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси йўналишини оладиган бўлсак, мазкур йўналиш кўплаб муаммолардан холи эмас.

Аксарият ҳолатларда умумтаълим муассасаларида сохта мутахассислик дипломлари билан ишлаш, тегишли фанлардан номутахассис ўқитувчиларнинг фаолият кўрсатиши, мактаб раҳбарияти томонидан ходимларни ноқонуний ишдан бўшатиш, бюджет маблағларини талон-тарож қилиш ҳолатлари кўплаб учраб турибди. Хусусан, прокуратура органларининг фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилда таълим соҳасида текширишлар натижасида таълим муассасаларининг 93 фоизида 16,7 млрд. сўмлик молиявий қонунбузарликлар аниқланиб, бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 2,5 бараварга ошган<sup>37</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, хавфни таҳлил қилиш тизимининг асосий ўзагини **хавфни баҳолаш индикаторлари** ташкил этади. Қонунбузилиши хавфини баҳолаш индикаторлари бу – қонунчиликнинг тегишли соҳасида мавжуд хавфни аниқлаш ва таҳлил қилишга имкон берувчи кўрсаткичлардир.

Мазкур индикаторни қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг муҳим йўналишларидан бири бўлган умумтаълим мактаблари фаолиятида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат

---

<sup>37</sup> <https://senat.uz/oz/lists/view/1411> (Бош прокурор ҳисоботига оид пресс-релиз. 11.05.2020 йил ҳолатига кўра)

соҳаси мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, Фикримизча, умумтаълим муассасаларидан хавф таҳлили умумтаълим муассасаси тегишли орган томонидан текширилгандан кейин ёки ўзига келиб тушган маълумот асосида мазкур умумтаълим муассасанинг махсус дастурий таъминотдаги саҳифасига ахборотни киритади. Масалан, ички ишлар органи томонидан 34-мактабнинг 9-синф ўқувчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги аниқланди. Ички ишлар ходими эса мазкур маълумотни дарҳол дастурий таъминотда мавжуд бўлган “34-мактаб” саҳифасига кириб, “умумтаълим мактаби ўқувчилари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони” индикатори бўлимига киритади. Бунда, агар мазкур индикатор графасига китилган жами ҳуқуқбузарликлар сони 0 ва 1 ни ташкил этса, “яшил” сегмент, 2-4 тани ташкил этса, “сарик” сегмент, 5 та ва ундан ортиқни ташкил этса, автоматик тарзда “қизил” сегмент ишга тушиши лозим ва бу келгусида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси аҳволи бўйича ички ишлар органи ҳамда таълим муассасаси фаолиятига етарли даражада баҳо бериш имкониятини беради. Бундан ташқари, тегишли хавф даражасига қараб прокурор назорати текширувиغا номзод этиб белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бизнингча, умумтаълим муассасаларида мавжуд хавф ҳолатини сегментлашда хавфни баҳолаш индикаторлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

**Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги қонуни талабларига кўра хавф индикаторлари:**

1) Умумтаълим муассасасининг 1-синфига қабул қилишда ёшга оид қоидаларга (7 ёш) амал қилинганлиги (белгиланган ҳудуд доирасида қабул қилинган ўқувчилар сонидан келиб чиқиб фоизда) – 85-100 % - “яшил”; 71-85% - “сарик”; 70 % ва ундан кам - “қизил”;

2) Умумтаълим муассасасида узлуксиз ўн бир йиллик таълимнинг ташкил этилганлиги аҳволи, жумладан, синфдан синфга ноқонуний

Ўтказилган ўқувчиларнинг мавжудлиги – мавжуд эмас - “яшил”; мавжуд - “қизил”;

3) Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар учун умумтаълим муассасаларида инклюзив шаклда ёки уй шароитларида яқка тартибда таълим олиш ташкил этилганлиги – ташкил этилган - “яшил”; етарли даражада ташкил этилмаган - “сарик”; умуман ташкил этилмаган - “қизил”;

4) Умумий ўрта таълим ташкилотларининг синфларида (гуруҳларида) таълим олувчилар сони – 35 нафар - “яшил”; вақтинчалик ўқувчи ҳисобига 36 нафар - “сарик”; 36 нафар ва ундан юқори - “қизил”;

5) педагогик олий маълумотга эга бўлмаган, шунингдек, педагогик қайта тайёрлаш курсларидан ўтмаган шахсларнинг фаолият кўрсатиши – мавжуд эмас - “яшил”; мавжуд - “қизил” .

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.03.2017 йилдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги низом талабларига кўра ҳафв индикаторлари:**

1) Дарс машғулотлари ҳафтасининг 6 кунлик муддатда ташкил этилганлиги - 6 кунлик - “яшил”; 4-5 кунлик - “сарик”; 3 кундан кам муддатда дарс машғулотлари ташкил этилганлиги ёки умуман ташкил этилмагандиги - “қизил”;

2) 1-синфлар ўчун ҳафтасининг 5 кунлик муддатда ташкил этилганлиги - 5 кунлик - “яшил”; 4 кунлик - “сарик”; 3 кундан кам муддатда дарс машғулотлари ташкил этилганлиги ёки умуман ташкил этилмагандиги - “қизил”;

3) ўқув йилининг давомийлиги 34 ҳафталик муддатда ташкил этилганлиги - 33 ҳафталик - “яшил”; 32 ҳафта –“сарик”; 31 ҳафта ва ундан кам - “қизил”;

4) 1-синфлар ўчун ўқув йилининг давомийлиги 33 ҳафталик муддатда ташкил этилганлиги - 33 ҳафталик - “яшил”; 32 ҳафта –“сарик”; 31 ҳафта ва ундан кам - “қизил”;

5) дарс машғулотининг давомийлиги 45 дақиқа ташкил этилганлиги – 30-45 дақиқа - “яшил”; 1-30 дақиқа - “сарик”; дарс ўтилмаган - “қизил”;

6) 1-синфлар учун феврал ойи давомида қўшимча 1 ҳафта таътил берилганлиги - берилган - “яшил”; берилмаган - “қизил”;

7) Ўқувчиларнинг сифатли билим олишини ва уларни умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига мос ҳолда ўқитиш натижаларини назорат қилишни таъминлаш мақсадида умумтаълим муассасаларида жорий, оралик, босқичли ва якуний назорат турлари олиб борилганлиги – бажарилган - “яшил”; етарли даражада бажарилмаган - “сарик”; умуман бажарилмаган - “қизил”;

8) Ўқувчиларнинг сифатли билим олишини ва уларни умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига мос ҳолда ўқитиш натижаларини назорат қилишни таъминлаш мақсадида умумтаълим муассасаларида жорий, оралик, босқичли ва якуний назорат турларидан муваффақиятли ўтган ўқувчилар сони (умумий ўқувчилар сонидан келиб чиқиб фоизларда) –100 % - “яшил”; 85-99% - “сарик”; 85 % дан кам - “қизил”;

9) Ўқувчиларнинг сифатли билим олишини ва уларни умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига мос ҳолда ўқитиш натижаларини назорат қилишни таъминлаш мақсадида умумтаълим муассасаларида жорий, оралик, босқичли ва якуний назорат турларидан тўплаган рейтинг натижалари (Умумтаълим муассасаси умумий рейтинг бали фоизда) – 71-100 % - “яшил”; 56-70 - “сарик”; 55 % ва ундан кам - “қизил”;

10) Умумтаълим муассасасининг 1-синфига қабул қилишда ҳудудийлик қоидаларига амал қилинганлиги (белгиланган ҳудуд доирасида қабул қилинган ўқувчилар сонидан келиб чиқиб фоизда) – 85-100 % - “яшил”; 71-85% - “сарик”; 70 % ва ундан кам - “қизил”;

11) Умумтаълим муассасасида тиббий хизматнинг ташкил этилганлиги аҳволи – барча талабларга мос - “яшил”; етарли даражада эмас - “сарик”; умуман ташкил этилмаган - “қизил”;

12) Умумтаълим муассасаси ўқувчиларининг ҳар йилги тиббий кўриқдан ўтказилганлиги (умумий ўқувчилар сонига кўра фоизда) – 95-100 % - “яшил”; 80-95% - “сарик”; 80 %дан кам - “қизил”;

13) Умумтаълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини психологик жиҳатдан таъминланганлиги– барча талабларга мос - “яшил”; етарли даражада эмас - “сарик”; умуман ташкил этилмаган - “қизил”;

14) Оғзаки нутқ нуқсонлари ва товуш талаффузида камчиликлари бўлган ўқувчиларга коррекцион-логопедик ёрдам бериш мақсадида умумтаълим муассасасида ўқитувчи-логопедлар (дефектологлар) фаолият юритадиган логопедия шохобчаси ташкил этилганлиги – ташкил этилган - “яшил”; етарли даражада ташкил этилмаган - “сарик”; умуман ташкил этилмаган - “қизил”;

15) Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг умумтаълим муассасаларида педагогик фаолият билан шуғулланиши аҳволи – мавжуд эмас - “яшил”; мавжуд - “қизил”;

16) Умумтаълим муассасаси директори ҳар чорақда камида бир марта ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тегишли фуқаролар йиғинига тақдим этганлиги – ўз вақтида бажарилган - “яшил”; кечиктириб бажарилган - “сарик”; умуман бажарилмаган - “қизил”;

17) Умумтаълим муассасаларида педагогик ва методик кенгашлар тузилганлиги – ташкил этилган - “яшил”; етарли даражада ташкил этилмаган - “сарик”; умуман ташкил этилмаган - “қизил”;

18) Умумтаълим муассасаларида уларнинг иш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ташкилотлар, жумладан, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ташкил этилганлиги – мавжуд эмас - “яшил”; мавжуд - “қизил”.

### **3-БОБ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ВА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРЛАРНИНГ НАЗОРАТИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР**

#### **3.1. Прокурор назорати ва идоравий назорат ўртасида ҳамкорликни ташkil этиш масалалари**

Прокурор назорати фаолиятининг самарадорлиги бир қанча асосларга кўра идоравий назорат фаолиятининг сифатига ҳам бевосита, ҳам билвосита боғлиқ. Кўп ҳолатларда прокуратура органлари ходимлари назорат тадбирлари аввалида идоравий назорат органлари маълумотларидан фойдаланишга, идоравий назоратда аниқланган қоидабузарликларни таҳлил қилишга, шунингдек, қонунбузилишларини олдини олишда идоравий назорат органларининг “қўли”дан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Шу сабабли прокуратура органлари ва идоравий назорат органлари ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш ўз ўрнида, биринчидан, назорат фаолиятига комплекс ёндашувни таъминлайди, иккинчидан, қонунбузилиши сабаб ва оқибатларига ҳар хил аспектдан назар ташлаш имконини беради, учинчидан, тезкор ахборот алмашинувини вужудга келтиради.

Шу ўринда, даставвал, “назорат” тушунчасини таҳлил қилинадиган бўлса, бу тушунча бошқарув усули сифатида кўплаб олимлар томонидан турлича изоҳланади. Жумладан, давлат назорати масалалари юзасидан илмий изланиш амалга оширган А. А. Раҳмоновнинг фикрича, “давлат назорати – давлат органлари томонидан белгиланган ҳуқуқий актлар, меъёрлар, қонунлар ижросини таъминловчи давлат ҳокимиятини амалга оширувчи фаолият шакли ҳисобланади.”<sup>38</sup> Шунингдек, З. С. Мухитдинов: “Давлат назорати – бу турли давлат органларининг қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, фуқаро ва мансабдор шахслар томонидан амалдаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш

---

<sup>38</sup> Раҳимов А.А. Ўзбекистон Республикасида давлат назоратини амалга оширишнинг ташкилий ҳуқуқий масалалари. Ю.ф.н.дис... автореферати. –Т., 2002. –б.12.

борасидаги фаолияти шаклларида бири”<sup>39</sup> – дея таъриф беради. Э. Ҳожиёв ва Т. Ҳожиёвларнинг фикрича: “Назорат – махсус ваколатли давлат органлари томонидан ўзига бўйсунмайдиган объектлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган бошқарув фаолиятининг бир тури”.<sup>40</sup> С. А. Григоряннинг масъул муҳаррирлиги остида чоп этилган дарсликда “Назорат – махсус давлат органларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларнинг ўзига бўйсунмайдиган жисмоний ва юридик шахслар томонидан ижро этилиши устидан қонунийликни, давлат, жамият ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда кузатишдан иборат функциясидир”<sup>41</sup>, деб таърифланади. Шунингдек, Н. В. Макарейнинг фикрича, “Давлат назорати – махсус давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларнинг ушбу органларнинг ваколатига тегишли бўлган масалалар юзасидан ўзига бўйсунмайдиган жисмоний ва юридик шахслар томонидан ижро этилиши устидан мунтазам равишда кузатишдан иборат функциясидир”<sup>42</sup>.

Фикримизча, ўзбек тилида “прокурор назорати” ва “идоравий назорат” жумлаларидаги “назорат” тушунчалари шаклан фарқланмаса ҳам, маъно жиҳатдан фарқланади. Масалан, “прокурор назорати” рус тилида “надзор” (инглиз тилида “supervision”), “идоравий назорат” тушунчаси эса “контроль” (инглиз тилида “control”) сифатида ҳам шаклан, ҳам маъно жиҳатидан фарқланади.

Кўплаб олимлар “назорат” тушунчасининг “контроль” тушунчасидан фарқини асослантириб беришган. Жумладан, Россиялик олим Д. Н. Бахрах:

---

<sup>39</sup> Муҳитдинов З.С. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан парламент назоратининг назарий-ҳуқуқий асослари. ю.ф.н.дис... автореферати. –Т., 2012. –б.11.

<sup>40</sup> Ҳожиёв Э. Ҳожиёв Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик . –Т., 2008. –Б.317-318.

<sup>41</sup> Григорян С.А. Бровко Н.В., Соколова Ю.А. Административное право. -М., 2002. — С.175.

<sup>42</sup> Макарейко Н.В. Административное право. — М., 2010. -С.182.



“...назорат тор маънодаги контролдир”<sup>43</sup>, дейди. Д. Миразов бу фикрга кўшилган ҳолда назоратни кенг ва тор маънода тушуниш мумкин деб таҳлил қилади. Тор ҳуқуқий маънода назорат бу давлат органларининг қонунийликка риоя этилиши бўйича фаолиятининг тури бўлиб ҳисобланади. Кенг маънода назорат ҳар қандай контролни амалга оширувчи органларнинг ваколатларидан келиб чиқадиган ажралмас хусусиятларга, яъни назорат остидаги органларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳақида ижро учун мажбурий бўлган кўрсатмаларни бериш, юқори турувчи органларнинг олдига камчиликларнинг вужудга келишига сабаб бўлган шахсларнинг жавобгарликка тортилиши масаласини қўйиш, бир қатор ҳолатларда давлат мажбурлов чораларини қўллаш қабиларга эга<sup>44</sup>. Дарҳақиқат, юқоридаги олимлар фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда таъкидлаш мумкинки, идоравий назорат – бу контролдир.

“Идоравий назорат” тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак, “идоравий” тушунчаси бир ташкилот тизимидаги муносабатларга нисбатан ишлатилади. Шунга кўра, давлат бошқарувидаги идоравий назорат – бу, бюджет маблағларининг асосий истеъмолчилари устидан назорат ёки ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган назоратдир.<sup>45</sup>

Бундан ташқари, “прокурор назорати” ва “идоравий назорат” тушунчаларини ўзаро таққосласак, хулоса қилишимиз мумкинки, назорат прокурорга идоравий фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий меъёрларга риоя этилишини назорат қилиш имконини берадиган “ташкилий элемент”га эга эмас. Бошқача қилиб айтганда, хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг бевосита

---

<sup>43</sup> Бахрах Д.Н. Административное право России. -М., 2010. -С.414-415.

<sup>44</sup> Миразов Д. Назоратнинг моҳияти, хусусиятлари ва таснифланиши // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари ахборотномаси. № 2 -Т.,-2015. — Б.41

<sup>45</sup> Ларин С.В. Развитие ведомственного контроля как условие реализации результативного бюджетирования в России. Статья. Москва. [www.cyberleninka.ru](http://www.cyberleninka.ru)

аралашшига, шунингдек, идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазибаларини бажаришига йўл қўйилмайди.<sup>46</sup>

К. Малиненко назоратни амалга оширилишига кўра икки қисмга ажратади – ташкилий ва процессуал назорат<sup>47</sup>. Ташкилий назорат – ташкилот ва муассасаларнинг ҳаракатлари устидан назорат бўлса, процессуал назорат – ташкилот ва муассасалар ҳаракатлари қонунийлиги устидан назорат ҳисобланади. Идоравий назорат ўз ичига ҳам ташкилий, ҳам процессуал назорат ичга олса, фикримизча, прокурор назорати фақатгина процессуал назоратни амалга ошириши мумкин.

Бундан ташқари, идоравий назорат ҳам, прокурор назорати ҳам давлат назоратининг таркибий қисми ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, идоравий назорат – бу, давлат назорат органларининг давлат тасарруфидаги ташкилот, муассасалар, шунингдек, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар устидан назоратдир. Бунда назорат бир ҳокимият тармоғи доирасида бўлади. Бизнингча, идоравий назорат фақатгина ижро ҳокимияти тармоғи доирасидагина мавжуд бўлади. Шу жиҳати билан ҳам идоравий назорат бошқа назорат турларидан, жумладан, прокурор назоратидан фарқ қилади.

Идоравий назоратни такомилллаштириш ҳақида гап кетганда, аввало, идоравий назоратнинг моҳиятига назар ташлаш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, идоравий назоратнинг мақсадига муаллифлик таърифини берадиган бўлсак, идоравий назоратнинг мақсади – бу, давлат органлари томонидан ўз функцияларини бажариш жараёнида юзага келадиган қонунбузилиши хавфларини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишдир.

---

<sup>46</sup> “Прокуратура тоғрисида”ги қонун, 23-модда

<sup>47</sup> Каштанова Н. С., Шегебаев И. Б. Прокурорский надзор и ведомственный контроль: вопрос соотношения. Вестник Омского университета. Серия “Право”. 2018. № 2 (55). С. 171

М.И.Эриашвили прокуратура органларининг давлат идоралари билан ҳамкорлигини прокурор назорати шаклларида бири сифатида эътироф этади.<sup>48</sup>

Д.Ҳамдамованинг фикрига кўра, прокурорлар қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда ўз ваколатларидан фойдаланиш бўйича чегарани тўғри белгилашлари керак. Чунки, бунда бир томондан, аниқланган қонунбузарлик ҳоллари таъсир чораларини кўрсмасдан қолмаслиги керак бўлса, иккинчи томондан, корхоналарнинг тезкор хўжалик фаолиятига бевосита аралашмаслик, идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажармаслик лозим. Назоратнинг чегарасини белгилашда қуйидаги қоида мезон бўлиши мумкин, қаерда қонун “ҳаракат қилса”, ўша ерда қонунлар ижроси устидан назорат “ишга тушади”.<sup>49</sup> Дарҳақиқат, прокурор назорати идоравий назорат функциясини бажармаслиги лозим. Бу ўринда асосий эътибор ҳар доим тегишли орган (ташкилот, муассаса, тадбиркорлик субъекти)нинг ҳатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришга қаратилган бўлиши лозим.

Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми, шунингдек, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги нафақат жинойтчиликка қарши курашда, балки назорат органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ягона ижросини таъминлашда ўзаро ҳамкорликни ташкил этувчи ролини белгилайди. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, прокуратура органларининг мувофиқлаштирувчи фаолиятини амалга ошириш маълум даражада вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзаро алоқаларини ўрнатишни тақазо этади.

---

<sup>48</sup> Эриашвили М.И. Участие прокурора в гражданском процессе: монография. М., 2010. С. 47.

<sup>49</sup> Ҳамдамова Д.Р. Прокуратура органлари тизимида қонунчилик ижроси устидан назорат институти: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба. Диссертация. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. 2020 й.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, прокуратура, авваламбор, “назорат килувчи орган вазифасини бажаради”, бошқарув органлари ва фуқаролар бирлашмалари раҳбарлари эса “бошқарув ролида”. Ўзаро ҳамкорлик эса прокуратура органлари “қонун устуворлигини ва қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича бир хил вазифаларни” ҳал қилишганда ўзаро муносабатларнинг бошқа шакллариға хос элементдир.<sup>50</sup>

Илмий нуқтаи назардан, ҳозирги шароитда қонунийлик ва тартиботни таъминлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик муаммоси ҳали етарлича ишлаб чиқилмаган ва асосан прокуратура органларининг мувофиқлаштирувчи фаолияти доирасида амалга оширилмоқда, яъни прокуратура органлари у ёки бу ҳолатда мувофиқлаштирувчи орган вазифасини бажармоқда.

Назарий жиҳатдан, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик амалдаги маълумотни тезкор алмашиш, ижобий тажрибани ўртоқлашиш, самарадорликни таҳлилий шарҳлаб бориш, ахборот хатлари, буйруқлар ва кўрсатмалар бериш, уларнинг лойиҳаларини тайёрлаш каби шаклларда амалга ошади. Мазкур ҳамкорлик доирасида қонунийлик ҳолатини таҳлил қилиш ва уни мустаҳкамлаш, камчиликлар ва уларнинг сабабларини аниқлаш, келгусидаги чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш учун фаолиятнинг алоҳида йўналишлари бўйича амалиётни қўшма умумлаштириш дастури бўлиши лозим.

Ҳуқуқий тартибни сақлаш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг муҳим шарти барча манфаатдор органларнинг келишилган ҳаракатларидир. Идоравий назорат ва прокурор назоратининг ўзаро алоқаси мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашнинг ишончли воситаси бўлиб қолмоқда.

---

<sup>50</sup> См.: Гушин В. З. Органы прокуратуры и общественные объединения. Формы взаимодействия / Формы и методы взаимодействия органов прокуратуры с общественными объединениями. Научная информация по вопросам борьбы с преступностью № 2 (161). М., 2003. — С. 55 — 56.

Шу ўринда “ҳамкорлик” тушунчасини таҳлил қиладиган бўлсак, бу тушунча нафақат юридик, балки табиий, ижтимоий, гуманитар ва техник фанларда ҳам кенг қўлланилади. Умумий фалсафий маънода ҳамкорлик деганда, объектларнинг бир-бирига таъсир қилиш жараёнлари, уларнинг ўзаро шартлашиши ва бир объектнинг бошқаси томонидан ҳосил бўлиши тушунилади. Шу билан бирга, ҳамкорлик ҳар қандай моддий тизимнинг мавжудлигини ва таркибий ташкил этилишини белгилайдиган ҳаракат ва ривожланишнинг объектив ва универсал шаклидан бири сифатида қаралади<sup>51</sup>.

Шундай қилиб, профессор В. Г. Бессарабов прокуратура ва бошқа органларнинг ўзаро ҳамкорлигини умумий мақсадларни амалга оширишга ва қўшма тадбирларни режалаштириш ва амалга оширишда уларнинг ҳуқуқий, ахборот, ташкилий ва илмий ресурсларидан фойдаланишни бирлаштиришга қаратилган мувофиқлаштирилган фаолият сифатида кўриб чиқади<sup>52</sup>.

А. Ю. Усов эса прокуратуранинг бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлигини иккита асосга боғлайди:

а) императив ҳамкорлик – қонуннинг махсус талаби билан ўрнатиладиган ўзаро ҳамкорлик;

б) диспозитив ҳамкорлик – қонун томонидан ўрнатилиши шартлиги белгиланмаган, шунингдек, қонун томонидан таъқиқланмаган, прокуратура органлари фаолиятининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб ўрнатиладиган ўзаро ҳамкорлик<sup>53</sup>.

Ушбу ҳолатлар прокуратура ва идоравий назорат органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг қуйидаги шакллари ажратиб кўрсатишга имкон беради: 1) қонунбузилишларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ва

---

<sup>51</sup> Философский словарь. М.: Наука, 1978. С.74.

<sup>52</sup> Взаимодействие органов прокуратуры с уполномоченными по правам человека в Российской Федерации в сфере защиты прав и свобод человека и гражданина: пособие / ; Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации. М.,]В.Г. Бессарабов и др.[ 2012. С. 14.

<sup>53</sup> Усов А.Ю. Взаимодействие прокуратуры Российской Федерации с неподнадзорными государственными органами. Диссертация. Москва. 2016. Стр-30. // [www.agprf.org](http://www.agprf.org)

олдини олиш масалалари бўйича ўзаро маълумот алмашиш; 2) назорат органлари вакилларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларининг мувофиқлаштирувчи йиғилишларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳларда, шунингдек, мазкур йиғилишлар ишида иштирок этиши; 3) прокурор текширувларида иштирок этиш учун идоравий назорат органлари мутахассисларини жалб қилиш; 4) назорат тадбирларини биргаликда амалга ошириш, шу жумладан, комплекс саволномалар тузиш.

Шундай қилиб, прокурор назорати ва идоравий назорат ўртасидаги ҳамкорликка қуйидаги муаллифлик таърифини беришни лозим топдик:

Прокурор назорати ва идоравий назорат ўртасидаги ҳамкорлик – конун ҳужжатлари ижроси устидан назорат соҳасида прокуратура органлари ва назорат қилувчи органлар ўртасида биргаликдаги ташкилий-таҳлилий, маълумотларни тезкор алмашиш, ўзаро текширув режалари ва саволномаларини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш фаолияти.

А.Ю.Кравцов ва Т.Н.Селезневаларнинг фикрича, прокурор назорати ва идоравий назорат ўртасидаги ҳамкорлик императив характерда бўлиши лозим. Чунки бу ерда асосий масала давлат ва жамият манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашга қаратилгандир<sup>54</sup>. Шунингдек, А.Ю. Усов ҳам прокуратура ва бошқа органлар ўзаро ҳамкорлигини императив табиатини исботлашга ҳаракат қилган<sup>55</sup>. Бизнингча ҳам, мазкур муносабатларда императивлик характери яққол намоён бўлади.

Ҳозирги мавжуд ҳолатда прокуратура органларининг бошқа идоралар билан ҳамкорлиги аҳволига назар ташлайдиган бўлсак, мазкур ҳамкорлик фақатгина бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (суд, ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, миллий гвардия) билан жиноятчиликка қарши курашиш, профилактика ҳамда ҳуқуқ-тартибот соҳасида самарали йўлга

---

<sup>54</sup> Кравцов А.Ю., Селезнева Т.Н. Управленческий процесс в контексте взаимодействия органов прокуратуры с контролирующими органами // Universum: экономика и юриспруденция : электрон. научн. журн. 2016. № 1 (34). URL: <https://7universum.com/ru/economy/archive/item/4057>

<sup>55</sup> Усов А.Ю. Взаимодействие прокуратуры Российской Федерации с неподнадзорными государственными органами. Диссертация. Москва. 2016. Стр-30. // [www.agprf.org](http://www.agprf.org)

қўйилган. Лекин мазкур ҳолатни назорат қилувчи органлар билан ўрнатилган ҳамкорликни самарали деб бўлмайди. Жумладан, “*прокуратура ва идоравий назорат органларининг ўзаро ҳамкорлиги қай даражада самарали таъкил этилган деб ўйлайсиз?*” мазмунидаги сўровномада катнашган респондентларнинг (прокуратура ходимларидан иборат) 16 фоизи прокуратура ва идоравий назорат органлари ўртасидаги ҳамкорликни “юқори самарали”, 58 фоизи “ўртача самарали”, 26 фоизи эса “самарали эмас” деб ҳисоблашни маълум қилган (1-ИЛОВА).

Ҳозирги кунда прокурор назорати билан назорат идоралари ўртасида доимий алоқалар мавжуд эмас. Бу ўз навбатида назорат қилувчи идоралар томонидан ҳуқуқбузарликларни яшириш, камайтириб кўрсатиш каби ҳолатларини юзага келтирмоқда. Жумладан, Транспорт вазирлиги тизимида юкларни ташиш фаолияти билан боғлиқ инспекция икки йил давомида 8 мингта қонунбузилиш ҳолатини аниқлаган. Лекин бирортаси ҳам ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилмаган.<sup>56</sup>

Шунингдек, прокурор назорати самарадорлиги идоравий назорат самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўзаро қонунбузилишлари тўғрисида маълумот алмашинуви жамиятда қонунийлик ҳолатининг барқарор таъминланиши кафолати бўлиб хизмат қилади. Жумладан, шундай ахборот алмашинуви прокуратура органларининг солиқ ва божхона органлари билан бўлган муносабатларида қонун билан мустаҳкамланган. Чунончи, Солиқ кодексининг 135-моддасига кўра, солиқ, божхона органлари ва бошқа ваколатли органлар, прокуратура органлари ҳамда тергов органлари солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари, ўзлари олиб бораётган солиқ текширувлари ҳақидаги ўзида мавжуд материаллар тўғрисида бир-бирини хабардор қилади. Шунингдек, мазкур органлар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа зарур ахборот билан алмашишни амалга оширади.

---

<sup>56</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 23 апрелдаги Олий Мажлис Сенатининг 14-ялпи мажлисидаги ҳисоботи.

Аmmo бу борада қонунчилигимизда бир қатор бўшлиқлар мавжуд. Айрим қонун ҳужжатларида назорат органларининг қонунбузилишлари тўғрисидаги маълумотларни прокуратура органларига тақдим этиш мажбурияти ўз аксини топмаган. Масалан, Шаҳарсозлик кодекси 27-моддасига кўра, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари томонидан амалга оширилади, деб белгиланган. Мазкур органнинг ваколатларига қурилиш соҳасидаги қонунбузилишларини аниқлаш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вазифаси ҳам юклатилган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: мазкур қонунбузилиши содир этилган қилмиш таркибида жиноят аломатлари мавжуд бўлса-чи?!

Шу нуқтайи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кодексда инспекция томонидан қонунбузилиши тўғрисидаги маълумотларни прокуратура органларига юбориш мажбуриятини белгиланмаган. Шунингдек, мазкур мажбурият Бюджет кодексида давлат молиявий назорат органларининг мажбуриятларида ҳам белгиланмаган. Бу ўз навбатида қилмишга ҳуқуқий баҳо берилмаслигига ва келгусида жиноий қилмишнинг латент сақланиб қолишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, мавжуд техник имкониятлар прокуратура органлари томонидан идоравий назорат жараёнини реал вақт режимида таҳлил қилиш имконини бермайди. Баъзи ҳолларда эса текширишлар муддати ва давомийлигига амалда риоя қилинмайди. Шунингдек, назорат қилувчи органлар томонидан қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари ҳеч қаерда акс эттирилмаганлиги сабабли, текшириш натижаси мавҳум бўлиб қолмоқда. Аксарият ҳолалларда, идоравий назорат фаолияти прокуратура органлари томонидан постфактум ўрганилганда баъзи текширувлар натижалари оқибатсиз қолиб кетган бўлиб, қонунбузилишларига ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги аниқланган. Бу ўз ўрнида мавжуд коррупциявий ҳолатни англатади.



Фикримизча, юқоридаги ҳолатга тўлиқ барҳам бериш учун барча назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи “он-лайн назорат” платформасини яратиш лозим. Мазкур платформада қуйидаги маълумотлар акс этиши лозим:

- назорат қилувчи орган номи;
- назорат объекти ва ҳудуди;
- текшириш тури;
- текшириш асоси;
- назорат муддати ва давомийлиги;
- текшириш натижасида қўлланилган ҳуқуқий таъсир чораси;

Бунда прокуратура органлари ҳамда жамоатчилик ҳар бир текширувни бевосита назорат қилиб бориш ишқониятига эга бўлиш лозим.

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлиги учун идоравий назорат органлари мутахассисларини жалб қилиш муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига кўра, давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга... ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Прокуратура томонидан идоравий назорат органлари мутахассисларининг ёрдамидан фойдаланиш, шубҳасиз, ушбу органлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг жуда муҳим ва зарурий шакли ҳисобланади. Олиб борилган магистрлик тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ҳар доим прокурорлар илм-фан, техника, касб-хунар, иқтисодиёт соҳасидаги махсус мутахассисларнинг ёрдамига муҳтож бўлганидек, ихтисослаштирилган идоравий назорат органлари ҳам баъзида прокурор ёрдамига муҳтожлик сезишади. Жумладан, “Прокуратура назорат тадбирлари давомида идоравий назорат органлари мутахассисларининг

ёрдамига мухтожлик сезиладими?” мазмунида прокуратура органлари ходимлари ўртасида сўровнома ўтказилганда, унда катнашган респондентларнинг 92 фоизи “Ҳа, фан, техника, касб-ҳунар, санъат соҳадаридаги мутахассислар ёрдамига ҳар доим мухтожлик сезилади” деб жавоб берган (1-ИЛОВА). Негаки, баъзи қонунбузлишларига ҳуқуқий баҳо бериш ва тегишли таъсир чорасини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Прокуратура ва идоравий назорат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ушбу шакли бирон бир қўшма ҳужжатда мустаҳкамланмаган, аммо бу муносабатлар иккала назорат органи учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Прокуратура органлари ва идоравий назорат органларининг ўзаро ҳамкорликни самарали ташкил қилиш учун қандай ишлар амалга оширилиши лозимлиги тўғрисида прокуратура ҳамда идоравий назорат органлари ходимлари ўртасида сўровнома ўтказилганда, респондентларнинг 27 нафари (57 %) ҳамкорликнинг “қонуний асосларини мустаҳкамлаш лозим” деб, 23 нафари (46 %) эса “идоралараро келишувларга эришиш лозим” деб ҳисоблайди. Шунингдек, айрим респондентлар томонидан “идоравий назорат органларининг маълумот базаларидан прокуратура органлари электрон платформа ёрдамида фойдалана олиш имконини норматив мустаҳкамлаш лозим”лиги тўғрисида фикрлар билдирилган (1-ИЛОВА).

Юқоридагиларга асосан хулоса қилишимиз мумкинки, прокуратура органларининг ихтисослашган идоравий назорат органлар билан тўғри ташкил этилган ўзаро муносабати прокуратура ходимларига ўз фаолиятини мақсадли ва самарали режалаштиришга имкон беради, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатлари бузилганлиги учун жавобгарлик муқаррарлиги муҳитини яратишга ижобий таъсир кўрсатади.

Фикримизча, прокурор назорати ва идоравий назорат ўртасидаги ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, прокуратура ва идоравий назорат органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш лозим. Хусусан, идоравий назорат органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва қонун ости ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритган ҳолда, аниқланган қонунбузилиши ҳақидаги маълумотларни зудлик билан прокуратура органларига юбориш тўғрисидаги мажбуратни юклаш лозим. Жумладан, Шаҳарсозлик кодексининг Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасидаги назорат инспекциясининг ва унинг ҳудудий инспекцияларининг ваколатлари назарда тутилган 27-моддаси 16-хатбоши билан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 340-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисида”ги Низом 11<sup>1</sup>-банд билан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 19-апрелдаги 337-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси тўғрисида”ги низом 18<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилиши, яъни *“инспекция томонидан томонидан аниқланган қонунбузилишлар тегишлича ҳуқуқий баҳо берилиши учун прокуратура органларига дарҳол юборилиши лозим”* жумласи билан, Ер кодексининг 85-моддаси *“Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат орган томонидан аниқланган қонунбузилишлар тегишлича ҳуқуқий баҳо берилиши учун прокуратура органларига дарҳол юборилиши лозим”*лигини назарда тутувчи учинчи қисм 12-хатбоши билан тўлдирилиши керак.

Иккинчидан, прокуратура органлари ҳамда идоравий назорат органлари ўртасида тезкор ахборот алмашинувини йўлга қўйиш лозим. Жумладан, махсус дастурий таъминот яратиш орқали мазкур жараённи тўлиқ автоматлаштириш келажакда назорат сифатини оширишга, назорат фаолиятида инсон омилини камайтиришга ва натижада коррупция, бюрократизм ва бошқа маъмурий тўсиқларни йўқ қилишга хизмат қилади.

### **3.2. Идоравий назоратни такомиллаштириш прокурор назорати самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида**

Замонавий, анча мураккаб иқтисодий, сиёсий ва бошқа шароитларда давлат бошқарувида идоравий назорат самарадорлиги ва барқарорлигини ошириш масалалари алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар қандай жамиятни ривожлантиришнинг сиёсий, ижтимоий, маданий, иқтисодий ва бошқа устувор йўналишларини амалга ошириш учун давлат бошқарувини ўз ичига олган самарали назорат тизимини шакллантириш муҳим рол ўйнайди.

Умуман олганда, самарадорлик нафақат прокурор назорати, шунингдек, идоравий назорат фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони ва ҳар қандай назоратнинг асосий мақсади ҳисобланади. Давлат назоратини қўллаш самарадорлиги ва барқарорлиги масалалари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан энг долзарб вазифалардан бири. Шу сабабли, юридик адабиётларда сўнгги пайтларда идоравий назорат, унинг асосий элементларини кўриб чиқиш, амалга ошириш механизмига кўпроқ эътибор қаратилмоқда, аммо унинг самарадорлиги муаммоси етарлича ўрганилмаган бўлиб қолмоқда.

Идоравий назорат механизмини такомиллаштириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуини жорий этиш талаб қилинади, бу эса ўз навбатида замонавий давлатда назорат фаолиятини оптималлаштиришни тақазо этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида идоравий назорат фаолиятини самарали деб бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 14-ялпи мажлисида сўзга чиқиб, давлат идоралари томонидан амалга оширилаётган назорат фаолиятини каттиқ танқид қилган эди: “Республика миқёсида 50 дан ортиқ назорат идоралари бор, улар томонидан ўтган йилнинг ўзида аниқланган фақатгина талон-торож ҳолатлари бўйича жамланган қиймат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи санокли органлар аниқлаган талон-торожликлар қийматининг учдан

иккисини ташкил қилади. Яъни 33 фоизга кам. Аниқ мисоллар келтирсам. Мана, Энергетика вазирлиги қошидаги Ўзнефтегазинспекция 6 мингдан ортиқ объектни доимий назорат қилиш керак. 150 дан ортиқ масъул инспекторлар ҳам бор. Уларга давлат томонидан ойлик тўланади. Улар икки йил мобайнида ўз ташаббуси билан бирорта ҳам текшириш ўтказмаган. Бир сўм ҳам зарар аниқлашмаган. Ваҳоланки, биз икки йил давомида (шу соҳада) 300 млрд сўмлик зарар етказилганини аниқладик ва уни тўлиқ ундириш чораларини кўрдик”<sup>57</sup>.

Бундан ташқари, идоравий назорат фаолиятида қуйидаги муаммолар ҳам борки, ўз ечимини топишни тақазо этади:

Биринчидан, идоравий назорат органлари ўз фаолиятида маълум бир давлат идорасига қарам бўлиб қолмоқда. Аксарият ҳолларда, назорат қилувчи органлар тўлалигича мустақил эмас ва бир нечта назорат қилувчи органлар битта тузилма таркибида тўпланиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Йўлдошев Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 23 апрелдаги 14-ялпи мажлисида шундай деган эди: “Минг афсуски, ҳозирги кунда 10 дан ортиқ назорат-текширув идоралари бир вазирга бўйсунадиган қилиб, тузилмаси тасдиқланган. Тасаввур қилинг, бир вазирликда ҳам текширувчи, ҳам текширилувчи бўладиган бўлса, бу ерда ҳеч қанақа том маънодаги ҳақиқий назорат бўлмайди. Энг асосийси, назорат-текширувчи идораларга мустақил, ҳолис фаолият кўрсатиш учун шарт-шароит яратиб беришимиз керак. Бу борада биз прокурорлик муносабатимизни Вазирлар Маҳкамасига ҳам берганмиз. Агар тақлифларимиз инобатга олиниб, ҳар бир назорат-текширув идораси мустақил фаолият кўрсатадиган бўлса, ҳар бир соҳада кўплаб қонунбузилишлар бартараф қилинган бўлар эди”.<sup>58</sup>

---

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 23 апрелдаги Олий Мажлис Сенатининг 14-ялпи мажлисидаги нутқи.

<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 23 апрелдаги Олий Мажлис Сенатининг 14-ялпи мажлисидаги нутқи.

Шунингдек, Нагоя университети тадқиқотчиси А. Баратов назорат қилувчи органлар сиёсий мустақиллиги таъминланмаганлигининг бир қатор омилларини санаб ўтган:

Биринчидан, Ўзбекистонда нафақат назорат қилувчи орган, умуман, давлат бошқаруви органини ташкил этиш бўйича аниқ мезон ва талаблар мавжуд эмас. Айрим назорат органлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган бўлса, айримлари вазирлик ва идора ҳузурида, яна айримлари президент ҳузурида ташкил этилмоқда. Бошқа бир идоралар эса, айнан назорат объекти бўлган давлат бошқаруви органи ҳузурида ташкил этилган.

Мисол учун, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш сифатини назорат қилиш инспекцияси айнан Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини назорат қилади. Ваҳоланки, инспекция ҳам, Автомобиль йўллари қўмитаси ҳам, ўз фаолиятида Транспорт вазирлигига бўйсунди.

Худди шунингдек, Энергетика вазирлиги ҳузуридаги “Нефтгазинспекция” айнан Энергетика вазирлиги идоравий бўйсунувидаги корхоналар фаолиятини назорат қилади.

Тасаввур қилинг: дейлик, Нефтгазинспекция “Ўзбекнефтгаз” АЖ фаолиятини назорат қилмоқчи. Жамият кузатув кенгашининг раиси – Энергетика вазирининг ўзи. Соддароқ айтадиган бўлсак, “Нефтгазинспекция” ўзини ва ходимларини бевосита лавозимга тайинлайдиган ҳамда фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берадиган раҳбари фаолиятини назорат қилиши керак...

Бу каби ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги мантиқсизликларни Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги “Сувинспекция” ҳамда 10га яқин бошқа идоралар фаолиятида ҳам учратиш мумкин.

Иккинчидан, давлат бошқаруви органи, хусусан, назорат органларининг ташкилий шакли ҳалигача мавҳум: давлат идораси, вазирлик, давлат қўмитаси, қўмита, агентлик ёки инспекция қачон ташкил этилиши,

шунингдек, уларнинг бир-биридан фарқини ифодалайдиган аниқ мезонлар ҳануз ишлаб чиқилмаган.

Учинчидан, давлат бошқаруви органлари раҳбарларига мақом ва имтиёзларни белгилаш бўйича ҳам аниқ мезон мавжуд эмас. Мисол учун, қуйидаги агентликлар ташкилий-ҳуқуқий шакли нуқтайи назаридан бир хил бўлса-да, раҳбарларининг ҳуқуқий мақомини, меҳнатига ҳақ тўлаш ва бошқа ижтимоий кафолатларини белгилашда турлича ёндашув кўзга ташланади. Хусусан:

1) Энергетика вазирлиги ҳузуридаги “Узатом” агентлиги бош директори – вазирга;

2) Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Кадастр” агентлиги директори – вазирнинг 1-ўринбосарига;

3) Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори эса – вазир ўринбосарига тенглаштирилган.

Ягона мезоннинг белгиланмагани натижасида идораларни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган субъект томонидан исталган мақом ёки имтиёзни бериш (ёки бермаслик) орқали етарлича сиёсий таъсир кучига эга бўлиш мумкин.<sup>59</sup>

Иккинчидан, идоравий назорат фолияти самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонлари (индикаторлари) мавжуд эмас. Натижада, қоғоз учун ишлаш, ҳисоботларни бўрттириб кўрсатиш ҳолатлари кўплаб учраб турибди. Аммо ҳақиқий вазиятларда қонунбузилиши ҳолатлари латентлигича қолмоқда.

Учинчидан, қонунбузлиши ҳолатларини аниқлашнинг замонавий механизмлари, шунингдек, назорат текширувларини ўтказишнинг аниқ асослари мавжуд эмас. Бу ўз навбатида мавжуд моддий ва меҳнат (кадр) ресурсларидан мақсадсиз фойдаланишга, ортиқча бюрократизм ва энг салбий

---

<sup>59</sup> Баратов А. Назорат қилувчи идоралар мустақил бўлиши керак. Давлат бошқарувидаги муаммолардан бири ҳақида. <https://kun.uz/11247917>

жихати эса, назорат идоралари томонидан тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувларга сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, “ҳозирги вақтда давлат назорати фаолиятини такомиллаштиришга эҳтиёж бор деб ўйлайсизми?” мазмунидаги ижтимоий сўров ўтказилганда, сўровномада қатнашган респондентларнинг 84 фоизи “ха” деган жавобни берган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, давлат назорати фаолиятини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини оширишни энг устувор вазифа сифатида ўз олдимизга қўяр эканмиз, аввало, идоравий назорат органлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш масаласини ҳал қилмоғимиз лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, идоравий назорат фаолиятини такомиллаштириш, энг аввало, фаолиятнинг прокурор назорати билан уйғунликда ривожланишига алоҳида эътибор бериш лозим. Негаки прокурор назорати ва идоравий назорат фаолиятида комплекс ёндашув бўлмас экан, қонунлар ижроси устидан назорат самарадорлигини оширишга эришишнинг иложи бўлмайди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) экспертларининг фикрига кўра, идоравий назорат фаолиятини ислоҳ қилишда учта асосий мақсад мавжуд: натижадорликни ошириш (бошқариладиган объектлар томонидан этказиладиган зарар даражасини пасайтириш), самарадорликни ошириш (биринчи навбатда давлат харажатлари нуқтаи назаридан) ва тадбиркорлик учун маъмурий юклама ва тўсиқларни камайтириш<sup>60</sup>.

Фикримизча, идоравий назорат фаолиятини такомиллаштириш бўйича қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

---

<sup>60</sup> Blanc, F. Inspection Reforms: Why, How, and with What Results. OECD. 2012. Электронный ресурс: <http://www.oecd.org/regreform/Inspection%20reforms%20-%20web%20-F.%20Blanc.pdf> (дата обращения 12.09.2016)



Биринчидан, идоравий назорат фаолиятини ташкил этиш ва ўтказишда таваккалчиликка йўналтирилган ёндашувни жорий этиш.

Идоравий назорат функциясини оптималлаштириш орқали давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш учун назорат тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишнинг хавф таҳлил қилишга йўналтирилган моделига ўтиш керак.

Идора назоратда асосий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг мол-мулки, қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар этказиш хавфини минималлаштиришдир. Шунга кўра, идоравий назорати самарадорлиги, аввало, ушбу қонунбузлиши хавфларини минималлаштириш нуқтайи назаридан баҳоланади<sup>61</sup>.

Хавфни таҳлил қилишга асосланган ёндашувдан фойдаланиш хорижий тажрибада шуни кўрсатадики, хавфни таҳлил қилиш тизимини кўллаш текширувларнинг умумий сонини 30 фоиздан 90 фоизгача қисқартиришга ва айрим тоифаларда режали текширувлар ўтказиш заруриятидан бутунлай озод қилишга имкон берган. Шу билан бирга, назорат қилинадиган ҳудудда хавфсизлик даражасининг сақланиши, шунингдек, ошиши таъминланган”<sup>62</sup>.

Таҳлика-таҳлилга асосланган ёндашувнинг моҳияти қонунбузилиши хавфини таҳлил қилиш ва хавф даражасини ҳисобга олган ҳолда текширувларни режалаштириш асосида ташкиллаштиришни англатади.

Ушбу ёндашув юқори хавфли тоифадаги назорат объектларга уларнинг бузилиши жиддий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиб эътиборни қаратишга имкон беради, ва шу билан бирга, қонун билан ҳимояланган муносабатларга реал таҳдид солмайдиган объектларга юкни камайтиради. Шундай қилиб, таваккалчиликка асосланган ёндашув

---

<sup>61</sup> Добролюбова Е.И. Оценка результативности и эффективности государственного контроля на примере сферы трудовых отношений // <http://dx.doi.org/10.21686/2500-3925-2016-6-49-57>

<sup>62</sup> OECD. Alternatives to Traditional Regulation. Электронный ресурс: [www.oecd.org](http://www.oecd.org)

эътиборни энг муҳим объектларга йўналтиришга имкон беради, текширилаётган субъектларни юзага келган хавфни бартараф этишга ундайди, самарасиз ҳамда самарадорлиги жуда паст бўлган назорат тадбирлари сонини, шунингдек, иқтисодиётга юкни камайтиради.

Хавфни таҳлил қилиш тизимини жорий этиш хусусида махсус сўровнома (Прокурор назорати ва идоравий назорат самарадорлигини ошириш, шунингдек, ортиқча назорат текширувларини олдини олиш мақсадида фаолиятга “Хавфни таҳлил қилиш” тизимини жорий этиш ҳақида фикрингиз қандай?) ўтказилганда, унда қатнашганларнинг 68 фоизи мазкур тизимни қўллаб-қувватлаган ҳолда, 14 фоизи салбий муносабат билдирган. Шунингдек, респондентларнинг 18 фоизи бу тизим ҳақида умуман маълумотга эга эмаслигини билдирган. (1-ИЛОВА)

Иккинчидан, идоравий назорат фаолиятини (назорат чораларини) амалга оширишнинг процессуал шакллари ва тартибларини такомиллаштириш.

Таваккалчиликка асосланган ёндашувни изчил амалга ошириш назорат органларининг юридик шахслар билан ўзаро алоқаларисиз, масофавий тарзда амалга ошириладиган тартибларни кенгайтиришни талаб қилади. Бунда назорат тадбирлари назорат объектларининг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувларсиз кечиши лозим. Шунингдек, назорат тадбирлари давомида ва ундан кейин келиб чиқадиган низоларни судгача (суддан ташқари) ҳал этиш механизмларини такомиллаштириш лозим.

Учинчидан, назорат қилувчи органлар самарадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Идоравий назорат функцияларини амалга оширувчи органлар фаолиятини баҳолашнинг амалдаги тизими этарли даражада самарали эмас, чунки бу уларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим натижаларга эришишда қўшган ҳиссасини акс эттирмайди. Россиялик олим Е.И. Добролюбованинг фикрига кўра, идоравий назорат натижаларини баҳолашнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат: биринчидан,

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кадриятларга зарар етказилишининг олдини олиш; иккинчидан, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кадриятларга зарар етказиш даражасини пасайтириш; учинчидан, етказилган зарарни қоплашни таъминлаш<sup>63</sup>. Бизнингча, бу мезонлар фақатгина умумҳуқуқий мезонларни ифодалайди ва уларни конкретлаштириш лозим.

Фикримизча, идоравий назорат фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун шундай тизимни ишлаб чиқиш зарурки, бу тизим орқали қонун нормаларининг назорат объектлари томонидан бажарилмаслиги натижасида келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатларни камайтириб, ташкилот ва муассасалар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлар фаолиятига асосиз аралашувни минималлаштириши ҳамда меҳнат ва молиявий ресурсларини оптимал тақсимланиши лозим.

Самарадорликка эришиш кўрсаткичларига мувофиқ хўжалик фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик даражасини таъминлаш ва ошириш назорат қилувчи органларнинг асосий устувор йўналишларидан бўлиши керак. Бундай кўрсаткичларни шакллантириш қўшимча таҳлилий индикаторларни ва тармоқ хавфларини аниқ шакллантиришни талаб қилади.

Тўртинчидан, назорат тадбирларини ўтказишда эскирган, бир бирини такрорловчи ортиқча мажбурий талабларни бекор қилиш, шунингдек, бажарилиши қатъий бўлган, келгусида юқори самара берадиган мажбурий талабларни тизимлаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш лозим.

Мажбурий талаб – бу, қонун ҳужжатларида белгиланган, давлат органлари, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган талаблардир.

Назорат тадбирининг предмети - назорат қилинадиган объект ҳатти-ҳаракатларининг мажбурий талабларга мувофиқлигини баҳолаш. Баъзи ҳолларда, назорат остидаги субъектлар қуйидаги сабабларга кўра барча

---

<sup>63</sup> Добролюбова Е.И. Оценка результативности и эффективности государственного контроля на примере сферы трудовых отношений // <http://dx.doi.org/10.21686/2500-3925-2016-6-49-57>

мажбурий талабларнинг бажарилишини таъминлай олмайдилар: биринчидан, маълумотларга кириш имкони йўқлиги; иккинчидан, мажбурий талаблар эскирганлиги; учинчидан, мазкур талабларни ортиқча харажатларсиз бажарилиши мумкин эмаслиги.

Мажбурий талабларга риоя қилиш кўпинча иқтисодий фаолиятни амалга оширишда хавфсизлик даражасига таъсир қилмайди, шунинг учун мажбурий талабларни тизимлаштириш ва янгилаш жараёнининг бир қисми сифатида эскирган, такрорий ва ортиқча талабларни истисно қилиши керак. Бундан ташқари, мажбурий талаблар бўйича энг долзарб ва тўлиқ маълумотларни, назорат чоралари давомида уларнинг бажарилиши баҳоланадиган талаблар реестрини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш лозим.

Бешинчидан, қонунбузилишларини олдини олишга қаратилган профилактика тадбирларини ўтказиш лозим.

Нazorat фаолиятини соҳасини комплекс ислоҳ қилиш назорат органларининг жамаотчилик билан алоқаларини рағбатлантиримасдан туриб ўзгартириб бўлмайди. Назорат органларининг фаолиятини аниқланган қоидабузарликлар сони ва жарималар билан эмас, балки жамаотчилик билан алоқалар даражаси билан баҳоланиши керак. Шу муносабат билан, у ёки бу талабларни бузганлик учун жазолаш эмас, балки назорат қилинадиган субъектларнинг талабларга жавоб беришига йўналтирилган тизимли профилактика ишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш лозимдир.

Бундан ташқари, текширилаётган муассасалар турлари бўйича давлат назоратининг ҳар бир тури учун ва давлат назоратининг энг мураккаб соҳаларида типик қоидабузарликлар рўйхатларини шакллантириш ва нашр этиш назорат остидаги субъектларининг уларга қўйиладиган мажбурий талаблар тўғрисида хабардорлигини оширишга ёрдам беради. Бунда одатдаги қоидабузарликлар зарар этказиш хавфи даражаси ва оқибатларининг оғирлиги бўйича таснифланиши керак.

Олтинчидан, идоравий назорат органлари манфаатлари учун илмий-ўқув базасини шакллантириш, шу жумладан кадрлар тайёрлаш ва мунтазам равишда қайта тайёрлашни таъминлаш.

Назорат фаолиятини илмий-услугий аъминлаш ва назорат органлари учун кадрлар тайёрлашни таъминлаш бўйича қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим: а) идоравий назорат органлари манфаатлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; б) қонунбузилиши хавфларини аниқлаш мақсадида илмий тадқиқотларни ташкил этиш; с) идоравий назорат фаолиятида таваккалчиликка асосланган ёндашувни амалга оширилишини таъминлаш; д) идоравий назорат органлари ходимлари учун қўшимча касбий таълимни ташкил этиш.

Еттинчидан, идоравий назорат фаолиятини амалга оширишни кенг кўламли таъминлаш мақсадида ахборот тизимларини ривожлантириш ва идоралараро ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикасида идоравий назорат фаолияти учун кенг қамровли ахборот-коммуникация таъминотини яратиш масаласини ҳар томонлама ўрганмасдан идоравий назорат фаолияти самарадорлигини ошириш ва уни ташкил этишнинг янги тамойилларига ўтишнинг иложи йўқ. Шунингдек, рискларни баҳолаш, хавфни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимини самарали ташкил этиш учун катта ҳажмдаги маълумотларни, хусусан, назорат қилинадиган субъектларнинг хусусиятлари ва уларнинг олдинги текширувлари натижалари бўйича маълумотларни таҳлил қилишни таъминлайдиган замонавий ахборот технологияларни жорий қилмасдан туриб тубдан такомиллаштириш имконсиздир.

Шундай қилиб, идоравий назорат органлари ва улар томонидан давлат назорати тадбирларини режалаштириш ва амалга оширишда фойдаланадиган ахборот тизимлари ўртасида зарур бўлган ахборот ўзаро алмашинувини таъминлаш, фаолиятни тўлиқ автоматлаштириш лозим.

Айни пайтда, идоравий назорати тизимини такомиллаштириш бўйича белгиланган мақсадларни муваффақиятли амалга ошириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз:

биринчидан, хавфни баҳолаш тизимини жорий этиш ва шу асосда давлат назорати учун режалаштириш тизимига биноан айрим тармоқларда идоравий назорат фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши керак.

иккинчидан, концептуал тушунчаларни шакллантириш, хусусан, “контрол” ва “назорат” атамаларини фарқлаш талаб этилади, чунки илмий адабиётларда ушбу атамалар мустақил фаолият турларини белгилаш учун ҳам, синонимлар сифатида ҳам ишлатилади.

учинчидан, фуқаролик жамияти ролини кучайтириш, шунингдек, жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва бошқа ижтимоий фаол институтларни назорат фаолиятига жалб этиш ҳамда иштирок этиш тартибини белгилаш муҳимдир.

тўртинчидан, интеграцияни ҳисобга олган ҳолда, идоравий назоратни ташкил этиш ва амалга оширишнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқиш лозим. Масалан, назорат остидаги субъектнинг виждонанлиги презумпцияси; қонунбузилиши хавфини олдини олишнинг устуворлиги ва бошқалар.

Шу сабабли, келгусида давлат назоратининг асосий принциплари, муддатлари, назорат остидаги субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, идоравий назорат органлари субъектларининг ваколатлари ва мажбуриятларини, уларнинг жавобгарлиги, шунингдек, давлат назорати органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби ва мезонларини ўз ичига олган **“Давлат назорати тўғрисида”**ги қонунни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш давлат назорати тизимини такомиллаштириш, уни замонавий шароитларга жавоб берадиган шаклга келтириш учун катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида давлат органларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш бўйича 2021-2030-йилларга мўлжалланган “**Давлат назоратини такомиллаштириш концепцияси**”ни ишлаб чиқиш лозим. Концепция ўз ичига қуйидаги мақсадларни ифода этиши лозим:

1) давлат назоратини оптималлаштириш, яъни айрим назорат органлари ва турларидан воз кечиш, улардаги мавжуд ходимлар (кадр) сонини камайтириш;

2) назорат жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш, фаолиятга илғор инновацион ютуқларни жорий этиш;

3) идоравий назорат органлари ва прокуратура органлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш;

4) давлат назорати фаолиятининг жамоатчиликка очиқлигини таъминлаш.

Мазкур қонун ва концепция, бир томондан, назорат сифатини ошириш ва қонунбузилиши хавфини бартараф этишга, иккинчи томондан эса назорат объектлари ҳисобланган ташкилот ва муассасаларнинг, шунингдек, тадбиркорлар зиммасидаги маъмурий ва бошқа юкларни камайтиришга хизмат қилиши лозим.

## ХУЛОСА

Тадқиқот иши натижасида қуйидаги **илмий-назарий, амалий-ташкилий ва миллий қонунчилик базасини** такомиллаштиришга оид тақлифлар ишлаб чиқилди:

### I. Илмий-назарий хулоса ва тавсиялар:

1. Илмий адабиётларда “инновация” тушунчасига иқтисодий ва техник фан соҳалари доирасидагина таъриф берилган бўлиб, уларга кўра, инновация бу – юзага келган ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ёки бошқа фойдали самарага эришиш мақсадида янги ёки такомиллашган маҳсулот (товар, иш, хизмат ва бошқ.), ишлаб чиқариш жараёни, янги маркетинг ёки бизнес юритишда ташкилий усул, иш жойлари ёки ташқи алоқаларни ташкил этиш кўринишидаги илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ва (ёки) технологик ишлар натижасидир. Аммо юридик жиҳатдан “инновация” тушунчасига таъриф берилмаган. Шунга кўра, прокурор назорати соҳасида инновация тушунчасига қуйидаги таъриф беришни лозим топдик:

**прокурор назорати соҳасида инновация** – бу прокурор назорати фаолиятини таждирий ривожлантиришга, замонавийлаштиришга ҳамда прокуратура органлари мавжуд моддий ва меҳнат (кадр) ресурсларини оптималлаштиришга хизмат қиладиган янгича ғоялар, назорат методлари ва технологияларидир.

2. Шунингдек, прокурор назорати фаолиятини баҳолаш тегишли соҳада амалга оширилган назорат тадбирларининг чуқур таҳлили асосида амалга оширилиши лозим.

3. Прокурор назорати фаолиятини рақамлаштириш тушунчасига прокурор назорати фаолиятида рақамли технологияларни жорий этиш, деган таърифни беришни лозим топдик.

4. **Қонунчилик ижроси устидан прокурор назорат соҳасидаги хавф** – бу тегишли ижтимоий-иқтисодий қонунчилик ижросининг



таъминланмаслиги ҳамда қонунбузилишлари содир этилиши эҳтимоли ҳисобланади.

5. Қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати соҳасидаги хавфни шартли равишда икки турга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

а) **аниқланган хавф** – ижтимоий-иқтисодий қонунчилик нормалари ижро этилмаганлиги, ижро давомида қонунбузилишларига йўл қўйилганлиги ва прокуратура органлари ушбу ҳолат тўғрисида маълумотга эга эканлигидан далолат берувчи маълумотлар ҳисобланади.

б) **потенциал хавф** – аниқланмаган, лекин келгусида вужудга келиши учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган хавф ҳисобланади.

6. “Хавфни таҳлил қилиш” ва “хавфни бошқариш” тушунчалари бир биридан фарқланади. “Хавфни бошқариш” тушунчаси “хавфни таҳлил қилиш” тушунчасидан кенгроқдир. Чунки хавфни таҳлил қилиш хавфни бошқаришнинг таркибий қисми бўлиб, хавфга оид маълумотларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва хавфни прогнозлашни ўз ичига олади.

7. “Прокурор назорати соҳасида хавфни таҳлил қилиш” ва “прокурор назорати соҳасида хавфни бошқариш” тушунчаларига муаллифлик таърифи берилди:

а) **прокурор назорати соҳасида хавфни таҳлил қилиш** – прокуратура органлари томонидан тегишли назорат объектларидан олинган ахборотлар асосида хавфнинг юзага келиши асослари ва шарт-шароитларини аниқлаш, тегишли қонун ҳужжатларига риоя этилмаслигининг эҳтимол тутилган оқибатларини баҳолаш мақсадида мунтазам равишда фойдаланиш;

б) **прокурор назорати соҳасида хавфни бошқариш** – қонунбузилиши хавфнинг олдини олиш, бартараф этиш ва уларни имкон қадар камайтириш, тегишли чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, қонун ҳужжатлари бажарилиши устидан назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда бажаришни, прокуратура органларида мавжуд ахборот узлуксиз янгиланишини, таҳлил этилишини ва қайта кўриб чиқилишини назарда тутувчи фаолият.

8. Прокурор назоратида хавфни таҳлил қилиш қонунбузилиши хавфини сегментлаш орқали амалга ошириладигани лозим. **Назорат объектларини сегментлаш** – қонун ҳужжатлари ижросини лозим даражада ёки умуман бажармаслик хавфи даражасига қараб назорат объектларини муайян тоифаларга ажратиш.

9. Хавфни таҳлил қилиш тизимининг асосий ўзагини хавфни баҳолаш индикаторлари ташкил этади. **Қонунбузилиши хавфини баҳолаш индикаторлари** бу – қонунчиликнинг тегишли соҳасида мавжуд хавфни аниқлаш ва таҳлил қилишга имкон берувчи кўрсаткичлардир.

10. Ўзбек тилида “прокурор назорати” ва “идоравий назорат” жумлаларидаги “назорат” тушунчалари шаклан фарқланмаса ҳам, маъно жиҳатдан фарқланади. Масалан, “прокурор назорати” рус тилида “надзор” (инглиз тилида “supervision”), “идоравий назорат” тушунчаси эса “контроль” (инглиз тилида “control”) сифатида ҳам шаклан, ҳам маъно жиҳатидан фарқланади.

11. Идоравий назорат – бу, давлат назорат органларининг давлат тасарруфидаги ташкилот, муассасалар, шунингдек, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар устидан назоратдир.

12. **Прокурор назорати ва идоравий назорат ўртасидаги ҳамкорлик** – қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат соҳасида прокуратура органлари ва назорат қилувчи органлар ўртасида биргаликдаги ташкилий-таҳлилий, маълумотларни тезкор алмашиш, ўзаро текширув режалари ва саволномаларини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш фаолияти.

13. Идоравий назорат механизмини такомиллаштириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуини жорий этиш талаб қилинади, бу эса ўз навбатида замонавий давлатда назорат фаолиятини оптималлаштиришни тақазо этади.

14. Идоравий назорат фаолиятини такомиллаштириш, энг аввало, фаолиятнинг прокурор назорати билан уйғунликда ривожланишига алоҳида

эътибор бериш лозим. Негаки прокурор назорати ва идоравий назорат фаолиятида комплекс ёндашув бўлмас экан, қонунлар ижроси устидан назорат самарадорлигини оширишга эришишнинг иложи бўлмайди.

15. Таҳлика-таҳлилга асосланган ёндашувнинг моҳияти қонунбузилиши хавфини таҳлил қилиш ва хавф даражасини ҳисобга олган ҳолда текширувларни режалаштириш асосида ташкиллаштиришни аниқлатади.

16. Идоравий назорат соҳасидаги **мажбурий талаблар** – бу, қонун ҳужжатларида белгиланган, давлат органлари, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бирламчи талаблардир.

17. Идоравий назоратни ташкил этиш ва амалга оширишнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқиш лозим. Масалан, *назорат остидаги субъектнинг виждонанлиги презумпцияси; қонунбузилиши хавфини олдини олишнинг устуворлиги* ва бошқалар.

## II. Амалий-ташкилий тавсиялар:

1. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ишни ташкил этиш ва хизмат фаолиятининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, хорижий мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги айрим ижро ҳамда суд органларида мавжуд амалий тажриба асосида **прокурор назорати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичлар (Прокурор назорати КРІ)** ини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим.

2. Ўзбекистон Республикасида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати соҳасида юқори самарадорликка эришиш учун, албатта, соҳани рақамлаштириш имкониятларини ўрганиб чиқиш лозим. Фикримизча, **“Рақамли прокуратура-2030”**, **“рақамли прокурор назорати”**, **“рақамли бошқарма”**, **“рақамли алоқа тугуни”**, **“химояланган ҳужжат айланиш**

тизими”, “рақамли архив”, “рақамли иш юритиш” модуллари концепцияларни ишлаб чиқиш лозимдир.

3. Прокуратура органларида **“электрон прокурор назорати”** платформасини яратиш лозим. Мазкур платформа ўз ичига “Электрон текширишлар модули”, “Электрон жиноят иши модули”, “Электрон таҳлил модули” каби модулларни қамраб олиши лозим.

4. Прокурор назорати субъектлари фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиш тегишли субъектлар томонидан қонунбузарилиши содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилишни назарда тутувчи **“қонун ҳужжатлари бузилиши хавфини таҳлил қилиш”** тизими натижалари асосида амалга ошириш

5. Прокуратура органларини сифатли ахборот билан таъминлаш бўйича ишларни олиб бориш. Жумладан, махсус дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва мазкур дастурий таъминотга барча назорат объектларини интеграция қилиш орқали маълумот алмашишни йўлга қўйиш лозим. Назорат қилувчи органлари томонидан ўтказилган текширишлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган **“Он-лайн назорат”** платформасини жорий этиш лозим.

6. Назорат остидаги субъектлар фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб, мазкур субъектларда вужудга келаётган ва келгусида вужудга келиши мумкин бўлган қонунбузилишлари реестри ҳамда хавфини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш лозим.

7. Идоравий назорат фаолиятини ташкил этиш ва ўтказишда таваккалчиликка йўналтирилган ёндашувни жорий этиш лозим.

8. Идоравий назорат қилувчи органлар самарадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур.

9. Назорат тадбирларини ўтказишда эскирган, бир бирини такрорловчи ортиқча мажбурий талабларни бекор қилиш, шунингдек, бажарилиши қатъий бўлган, келгусида юқори самара берадиган мажбурий талабларни тизимлаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш лозим.

10. Қонунбузилишларини олдини олишга қаратилган профилактика тадбирларини ўтказиш лозим.

11. Идоравий назорат органлари манфаатлари учун илмий-ўқув базасини шакллантириш, шу жумладан кадрлар тайёрлаш ва мунтазам равишда қайта тайёрлашни таъминлаш керак.

12. Идоравий назорат фаолиятини амалга оширишни кенг қўламли таъминлаш мақсадида ахборот тизимларини ривожлантириш ва идоралараро ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш.

13. Назорат фаолиятида фуқаролик жамияти ролини кучайтириш, шунингдек, жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва бошқа ижтимоий фаол институтларни назорат фаолиятига жалб этиш ҳамда иштирок этиш тартибини белгилаш муҳимдир.

### **III. Миллий қонунчилик базасини такомиллаштиришга оид таклифлар**

**1. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш:**

**Биринчидан,** амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 45-моддасида келтирилган прокурорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари умумийлик касб этади. Фикримизча, прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат (III бўлим 1-боб), фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат (III бўлим 2-боб); жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат (III бўлим 3-боб) фаолиятини баҳолаш мезонлари “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда конкретлаштирилиши лозим. Жумладан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун **прокурорлар фаолияти самарадорлигини баҳолашни тартиби** ва мезонларини назарда тутувчи V<sup>1</sup> бўлим билан тўлдирилиши лозим:

## **V<sup>1</sup> бўлим. Прокурорлар фаолиятини баҳолаш**

### **42<sup>1</sup>-модда. Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг умумий қоидалари**

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколат муддати давомида камида икки марта комплекс ўрганиб чиқилади. Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади.

Ўз фаолияти даврида тегишли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлаб бера олмаган шахслар прокурор лавозимига такроран кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

### **42<sup>2</sup>-модда. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини баҳолаш мезонлари**

Қонунлар ижроси устидан назорат самарадорлигини баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- фаолиятнинг тизимли таҳлил, истиқболни белгилаш ва режалаштириш асосида ташкил этилганлиги;

- жамият ва давлат манфаатларига путур етказилишининг олди олинганлиги;

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг амалда тикланиши таъминланганлиги;

- тегишли қонунчилик соҳаларидаги қонунбузилишлар ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чораларнинг самарадорлиги;

- қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланганлиги;

- мониторинг ва текширишларнинг қонун доирасида, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўтказилганлиги, прокурор назорати ҳужжатларининг асосли ва сифатлилиги;

- ҳуқуқбузарликлар асл сабаблари, бунга имкон берган шарт-шароитлар аниқланганлиги, уларни бартараф этиш юзасидан қўлланилган прокурор назорати ҳужжатлари ва бошқа ҳуқуқий чораларнинг асослилиги ва таъсирчанлиги.

**42<sup>3</sup>-модда. Фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати самарадорлигини баҳолаш мезонлари**

Фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- фаолиятнинг тизимли таҳлил, истиқболни белгилаш ва режалаштириш асосида ташкил этилганлиги;

- фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига путур етказилишининг олди олинганлиги;

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг амалда тикланиши таъминланганлиги;

- қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланганлиги;

- мониторинг ва текширишларнинг қонун доирасида, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўтказилганлиги, прокурор назорати ҳужжатларининг асосли ва сифатлилиги;

- ҳуқуқбузарликлар асл сабаблари, бунга имкон берган шарт-шароитлар аниқланганлиги, уларни бартараф этиш юзасидан қўлланилган прокурор назорати ҳужжатлари ва бошқа ҳуқуқий чораларнинг асослилиги ва таъсирчанлиги.

**42<sup>4</sup>-модда. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати самарадорлигини баҳолаш мезонлари**

Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат самарадорлигини баҳолаш кўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- фаолиятнинг тизимли таҳлил, истиқболни белгилаш ва режалаштириш асосида ташкил этилганлиги;

- жамият ва давлат манфаатларига путур етказилишининг олди олинганлиги;

- жиноятларни яшириш ва жиноятчилик статистикасини нотўғри кўрсатиш ҳолатларига барҳам берилганлиги;

- тегишли ҳудудда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олди олинишига эришинилганлиги;

- жиноятчилик профилактикасининг самарали ташкил этилишига эришинилганлиги;

- қонунбузилишлар ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чораларнинг самарадорлиги;

- қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланганлиги;

- мониторинг ва текширишларнинг қонун доирасида, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўтказилганлиги, прокурор назорати ҳужжатларининг асосли ва сифатлилиги;

- ҳуқуқбузарликлар асл сабаблари, бунга имкон берган шарт-шароитлар аниқланганлиги, уларни бартараф этиш юзасидан қўлланилган прокурор назорати ҳужжатлари ва бошқа ҳуқуқий чораларнинг асослилиги ва таъсирчанлиги.

**42<sup>5</sup>-модда. Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиний жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа**



## **чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати самарадорлигини баҳолаш мезонлари**

Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноий-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат самарадорлигини баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- фаолиятнинг тизимли таҳлил, истиқболни белгилаш ва режалаштириш асосида ташкил этилганлиги;

- ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олди олинганлиги;

- ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилинишига эришилганлиги;

- процессуал мажбурлов чоралари ва жиноий жазо турларини янада такомиллаштириш, шунингдек, жиноий жазо турларини либераллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланганлиги;

- мониторинг ва текширишларнинг қонун доирасида, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўтказилганлиги, прокурор назорати ҳужжатларининг асосли ва сифатлилиги;

- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида вужудга келган қонунбузилишларининг асл сабаблари, бунга имкон берган шарт-шароитлар аниқланганлиги, уларни бартараф этиш юзасидан қўлланилган прокурор назорати ҳужжатлари ва бошқа ҳуқуқий чораларнинг асослилиги ва таъсирчанлиги.

## **42<sup>6</sup>-модда. Судларда прокурор ваколати таъминланиши самарадорлигини баҳолаш мезонлари**

Судларда прокурор ваколати таъминланиши самарадорлигини баҳолаш баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

– фаолиятнинг тизимли таҳлил асосида ташкил этилганлиги ва соҳада ўрнатилган идоравий назоратнинг самарадорлиги;

– суд амалиёти белгиланган муддатларда умумлаштирилганлиги, аниқланган тизимли камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилганлиги, шу жумладан, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритилганлиги;

– бир хил тоифадаги ишлар бўйича ягона суд амалиётига эришилганлиги;

– прокурор аризалари бўйича ишларни кўриш амалиётидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилганлиги;

– прокурор иштироки мажбурийлиги белгиланган ишларда прокурор иштироки тўлиқ таъминланганлиги ва бу тоифа ишлар бўйича суд қарорларининг қонуний, асосли ҳамда адолатли бўлишига эришилганлиги;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган прокурор иштироки мажбурийлиги белгиланган ишлар бўйича апелляция протести келтириш самарадорлиги;

– суд қарорларига нисбатан келтирилган протестларнинг асослилиги;

– соҳадаги прокурор фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилганлиги.

**Иккинчидан,** “Прокуратура органлари тўғрисида”ги қонунга ҳавфни таҳлил қилиш ва ҳавфни бошқариш тизимлари орқали олинган маълумотларни прокурор назорати текшируви асосларидан бири сифатида киритиш лозим. Шунингдек, мазкур модда прокурор назорати текширувлари учун мавжуд асослар доирасини кенгайтиришни тақазо этади. Жумладан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддаси *“аризалар ва бошқа маълумотлар”* жумласини *“аризалар, оммавий ахборот воситаларининг берган хабарлари, ҳавфни таҳлил қилиш натижалари ва бошқа маълумотлар”* жумласига ўзгартириш ва қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

### **21-модда. Қонунлар ижросини текшириш**

*Қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар, оммавий ахборот воситаларининг берган хабарлари,*

*хавфни таҳлил қилиш натижалари ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.*

Бундан ташқари, прокурор назорати фаолиятига хавфни таҳлил қилиш ва хавфни бошқариш тизимларини жорий қилишга доир тегишли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, Бош прокурорнинг эса соҳавий буйруғини қабул қилиш лозим.

2. Шаҳарсозлик кодексининг Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасидаги назорат инспекциясининг ва унинг ҳудудий инспекцияларининг ваколатлари назарда тутилган 27-моддаси 16-хатбоши билан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 340-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисида”ги Низом 11<sup>1</sup>-банд билан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 19-апрелдаги 337-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси тўғрисида”ги Низом 18<sup>1</sup>-банд, яъни “*инспекция томонидан томонидан аниқланган қонунбузилишлар тегишлича ҳуқуқий баҳо берилиши учун прокуратура органларига дарҳол юборилиши лозим*” жумласи билан, Ер кодексининг 85-моддаси “*Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи давлат органи томонидан аниқланган қонунбузилишлар тегишлича ҳуқуқий баҳо берилиши учун прокуратура органларига дарҳол юборилиши лозим*”лигини назарда тутувчи учинчи қисм 12-хатбоши билан тўлдирилиши керак.

3. Келгусида давлат назоратининг асосий принциплари, муддатлари, назорат остидаги субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, идоравий назорат органлари субъектларининг ваколатлари ва

мажбуриятларини, уларнинг жавобгарлиги, шунингдек, давлат назорати органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби ва мезонларини ўз ичига олган **“Давлат назорати тўғрисида”**ги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

4. Ўзбекистон Республикасида давлат органларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш бўйича 2021-2030-йилларга мўлжалланган **“Давлат назоратини такомиллаштириш концепцияси”**ни ишлаб чиқиш лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон;
3. Шаҳарсозлик кодекси. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2021 й., 03/21/676/0142-сон
4. Бюджет кодекси. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон
5. Ер кодекси. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 24.12.2020 й., 03/20/656/1661-сон
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 06/21/6198/0269-сон;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.09.2020 йилдаги ПҚ-4818-сонли “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.09.2020 й., 07/20/4818/1255-сон;
9. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 340-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш

вазирлиги хузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисида”ги. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, Низом 14.12.2020 й., 09/20/777/1620-сон

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 19-апрелдаги 337-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси тўғрисида”ги // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.04.2019 й., 09/19/337/2997-сон

11. Приказ Генерального прокурора Российской Федерации от 14.09.2017 № 627 “Об утверждении Концепции цифровой трансформации органов и организаций прокуратуры до 2025 года” // Законность

12. Приказ Генерального Прокурора Республики Казахстан от 11 декабря 2018 года № 145 “Об утверждении Методики оценки деятельности административных государственных служащих корпуса “Б” системы органов прокуратуры Республики Казахстан”. Зарегистрирован в Министерстве юстиции Республики Казахстан 25 декабря 2018 года № 18020

## **II. Маърузалар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. № 19(7490), 2020 йил, 25 декабрь;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. № 21(7501), 2017 йил, 23 декабрь

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 23 апрелдаги Олий Мажлис Сенатининг 14-ялпи мажлисдаги нутқи.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимлари кунини ношонлашга бағишланган мажлисдаги маърузаси.

### **III. Дарсликлар ва ўқув кўлланмалар:**

1. Ҳожиёв Э. Ҳожиёв Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик . –Т., 2008.
2. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик: Одилқориев Ҳ.Т., Қосимов Б.Э. умумий таҳрири остида. - Т., 2010.
3. Григорян С.А. Бровко Н.В., Соколова Ю.А. Административное право. - М., 2002.
4. Макареико Н.В. Административное право. – М., 2010.
5. Бахрах Д.Н. Административное право России. -М., 2010.
6. Шумпетер Й. Теория экономическая развития. М.: Прогресс. 2002.
7. Андреев В.Б., Инсаров О.А. Информатизация органов прокуратуры Российской Федерации // Настольная книга прокурора. В 2 ч. Ч. 1: практ. пособие / Под общ. ред. О.С. Капинус, С.Г. Кехлерова. 5-е изд., перераб. и доп. М.: Юрайт, 2019.
8. Ершов А.Д., Завьялова О.В. Система управления рисками в таможенном деле: учебник / А.Д. Ершов, О.В. Завьялова. – СПб.: РИО Санкт-Петербургского имени В.Б. Бобкова филиала Российской таможенной академии, 2013.

### **IV. Диссертация, монография, автореферат ва мақолалар:**

1. Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш. Диссертация -2018.
2. Усов А.Ю. Взаимодействие прокуратуры Российской Федерации с неподнадзорными государственными органами. Диссертация. Москва.
3. Ҳамдамова Д.Р. Прокуратура органлари тизимида қонунчилик ижроси устидан назорат институти: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба. Диссертация. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. 2020 й

4. Раҳимов А.А. Ўзбекистон Республикасида давлат назоратини амалга оширишнинг ташкилий ҳуқуқий масалалари. Ю.ф.н.дис... автореферати. –Т., 2002. –б.12.
5. Муҳитдинов З.С. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан парламент назоратининг назарий-ҳуқуқий асослари. ю.ф.н.дис... автореферати. –Т., 2012. –б.11.
6. Гусихина Е.А. Система управления рисками в таможенном контроле // Автореферат – Стравополь, 2010
7. Эриашвили М.И. Участие прокурора в гражданском процессе: монография. М., 2010. С. 47.
8. Миразов Д. Назоратнинг моҳияти, хусусиятлари ва таснифланиши // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари ахборотномаси. № 2 -Т.,-2015. – Б.43
9. Баратов А. Назорат қилувчи идоралар мустақил бўлиши керак. Давлат бошқарувидаги муаммолардан бири ҳақида. <https://kun.uz/11247917>
10. Добролюбова Е.И. Оценка результативности и эффективности государственного контроля на примере сферы трудовых отношений // URL: <http://dx.doi.org/10.21686/2500-3925-2016-6-49>
11. Зокиров Ш. Прокуратура органларида электрон мурожаатлар. Мақола. // URL: <https://huquq.uz/2020/07/06/ppokupatypa-organlapida-elektpron-murozhaatlap/>
12. Маматов Ш. КРІ нима, бошқа тизимлардан афзаллиги қандай? Мақола. [www.davaktiv.uz](http://www.davaktiv.uz)
13. Раҳманов Қ.С. Давлат бошқарувида рақамлаштиришдаги муаммо ва ечимлар “Давлат бошқарувида рақамлаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзuidaги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Тошкент 2019 й.
14. Рузметов Х.Б. Ўзбекистон Республикаси Божхона органлари тизимида “Хавфни бошқариш тизими”нинг жорий этилиши тенденцияси ва унинг



бугунги кундаги натижалари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” илмий электрон журнал. 2020. № 2

15. Barnett H.G. (1953). *Innovation: the Basis of Cultural Change* // New York: McGraw Hill.

16. Whitfield, P. (1979). *Innowacje w przemyśle*. Transl. by T. Mroczkowski. Warszawa: Państwowe Wydawnictwo Ekonomiczne

17. Seth C. Lewis. *Journalism Innovation and Participation: An Analysis of the Knight News Challenge*. January 2011. *International Journal of Communication*

18. Скворцов К.Ф. Исследование проблем эффективности прокурорского надзора // Вопросы теории и практики прокурорского надзора. М., 1975, с. 10.

19. Халин В.Г., Чернова Г.В. Цифровизация и ее влияние на российскую экономику и общество: преимущества, вызовы, угрозы и риски // *Управленческое консультирование*. 2018. № 10. С.

20. Гушин В.З. Органы прокуратуры и общественные объединения. Формы взаимодействия / Формы и методы взаимодействия органов прокуратуры с общественными объединениями.

21. Взаимодействие органов прокуратуры с уполномоченными по правам человека в Российской Федерации в сфере защиты прав и свобод человека и гражданина: пособие / ; Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации. М., В.Г. Бессарабов и др. 2012. С. 14

22. Кравцов А.Ю., Селезнева Т.Н. Управленческий процесс в контексте взаимодействия органов прокуратуры с контролирующими органами // *Universum: экономика и юриспруденция* : электрон. научн. журн. 2016. № 1 (34). URL: <https://7universum.com/ru/economy/archive/item/4057>

23. Каштанова Н. С., Шегебаев И. Б. Прокурорский надзор и ведомственный контроль: вопрос соотношения. Вестник Омского университета. Серия “Право”. 2018. № 2 (55). С. 171

24. Ларин С.В. Развитие ведомственного контроля как условие реализации результативного бюджетирования в России. Статья. Москва. [www.cyberleninka.ru](http://www.cyberleninka.ru)
25. Попов А.А. Цифровизация прокурорского надзора за исполнением законов в досудебном производстве: предпосылки и перспективы развития в России . Право и государство: теория и практика. 2019. № 12(180). С. 291
26. Джурабеков Н.М., Сокурова Э.Ж. Статья. Цифровизация как инструмент повышения эффективности прокурорского надзора в Республике Казахстан
27. Галиева Г.М. Организация системы управления рисками на российских предприятия. 63с. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/organizatsiya-sistemy-upravleniya-riskami-na-rossiyskih-predpriyatiyah>
28. Бухмастов А.А. Анализ применения системы управления рисками при проведении таможенного контроля // Таможенное дело и внешнеэкономическая деятельность компаний, 2017; № 9

## **V. Статистик манбалар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимлари куни”ни ношонлашга бағишланган мажлисдаги маърузаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 23 апрелдаги Олий Мажлис Сенатининг 14-ялпи мажлисдаги ҳисоботи.
3. <https://prokuratura.uz/#/ijtimoiy>
4. Данное определение приводится, в частности, экспертами UNCTAD (The Transformative Economic Impact of Digital Technology, [http://unctad.org/meetings/en/Presentation/ecn162015p09\\_Katz\\_en.pdf](http://unctad.org/meetings/en/Presentation/ecn162015p09_Katz_en.pdf))
5. Blanc, F. Inspection Reforms: Why, How, and with What Results. OECD. 2012. Электронный ресурс: URL: <http://www.oecd.org/regreform/Inspection%20reforms%20%20web%20F.%20Blanc.pdf>

6. OECD. Alternatives to Traditional Regulation. Электронный ресурс: [www.oecd.org](http://www.oecd.org)

7. Научная информация по вопросам борьбы с преступностью № 2 (161). М., 2003. – С. 55 – 56.

#### **VI. Атамалар изохи бўйича манбалар:**

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Биринчи жилд. Тошкент. 2000 й.
2. Философский словарь. М.: Наука, 1978. С.74.

#### **VII. Интернет сайтлари:**

1. <https://lex.uz/> – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. <https://www.norma.uz/oz/> – ахборот-ҳуқуқий портал
3. <https://president.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-саҳифаси.
4. <https://prokuratura.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси расмий веб-саҳифаси.
5. <http://diss.natlib.uz/> – диссертация ва авторефератлар электрон илмий кутубхонаси
6. <https://cyberleninka.ru/> – электрон илмий кутубхона
7. <https://www.elibrary.ru/> – электрон илмий кутубхона
8. <https://adilet.zan.kz/> – Қозоғистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ахборот-ҳуқуқий тизими.
9. <https://prosecutorialperformanceindicators.org/>
10. <http://unctad.org/>